

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**



МАХСУС-КАСБИЙ ФАНЛАР КАФЕДРАСИ

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИГА НАВБАТДАГИ
“ПОДПОЛКОВНИК” МАХСУС УНВОНИНИ БЕРИШ УЧУН
МАХСУС МАЛАКА ОШИРИШ ЎҚУВ КУРСЛАРИНИНГ
“МАЊНАВИЙ-МАЃРИФИЙ” ТАЙЁРГАРЛИК
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

УДК 34.096

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириши институти
Илмий кенгашида маъқулланган*

Муаллифлар:

- 3.Р.Умаров - Махсус касбий-фанлар кафедраси доценти;
И.Б.Ахмедов - Махсус касбий-фанлар кафедраси катта ўқитувчиси;
Б.Ш.Юсупов - Махсус касбий-фанлар кафедраси катта ўқитувчиси;
З.М.Алиева - Махсус касбий-фанлар кафедраси ўқитувчиси;

Тақризчилар:

- М.И.Сувонқулов- МОИ Юридик фанлар кафедраси бошлиғи, юридик фанлари номзоди, доцент

- Х.В.Махсумов - Ўзбекистон Республикаси ИИВ Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти бошлигининг ўринбосари, полковник

“Ички ишлар органлари ходимларига навбатдаги “**подполковник**” махсус увонини бериш учун махсус малака ошириш ўқув курсларининг “Маънавий-маърифий” тайёргарлик модули бўйича: Ўқув услугубий мажмуа. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти, 2023. – 82 бет.

Ўқув услугубий мажмуа Ички ишлар органларида фаолият юритаётган офицерлар таркибида хизмат фаолиятини олиб бораётган ходимлар, ИИВ таълим муассасалари тингловчилари, курсантлари учун мўлжалланган бўлиб, “Маънавий-маърифий тайёргарлик” номли модулнинг мақсади тингловчиларнинг хизмат мажбуриятларини самарали бажаришлари учун касбий билимларини янгилаш, чуқурлаштириш ҳамда кўнирма ва маҳоратларини оширишга қаратилган.

Шунингдек, ички ишлар органлари фаолиятининг бошқарув, етакчилик усуллари, касбга хос хусусиятларини аниқлаш, амалиётда қўллаш, касб маҳоратини шакллантириш, фуқароларга, шахсий таркибга алоҳида тарбиявий таъсир ўtkазиш, ходимларнинг маънавий-ахлоқий қиёфасини юксалтириш мақсадида барча ИИВ таълим муассасалари шунингдек, тизимда хизмат олиб бораётган офицер ходимларининг касбий маҳоратини оширишда ўқув услугубий мажмуа сифатида фойдаланишга тавсия қилинади.

УДК 34.096

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти, 2023.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	4
Модул бўйича дарслар тақдимоти.....	6
1.1.Мавзу: Ички ишлар органлари ходимларнинг маънавий салоҳияти ва мафкуравий иммунитетини кучайтиришда “Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш Концепцияси”нинг аҳамияти.....	7
1.2.Мавзу: Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирларнинг мазмун-моҳияти.....	24
1.3.Мавзу: Ички ишлар органлари маънавий-маърифий ишлар “ходимбай ишлаш” тизими.....	61
Глоссарий.....	75
Тест саволлари.....	81
Адабиётлар.....	83

КИРИШ

Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқук ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳукуқий демократик давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шартидир.

Ички ишлар органларида давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни муҳофаза қилиш, шу жумладан криптографик воситаларни қўллаган ҳолда техник жиҳатдан муҳофаза қилиш таъминланади.

Қўйидагилар Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишлари деб ҳисобланади:

- фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳукуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органларининг муҳим ўринни эгаллаши;

- бугунги кунда юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, халқаро терроризм, экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги ички ишлар органлари олдига ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифаларни қўйилиши;

- ҳозирги вақтда дунёнинг узоқ-яқин турли худудларида юз берәётган ташвишли воқеалар, жумладан, бизнинг миңтақамизда, ён-атрофимизда кучайиб бораётган хавф-хатарлар, қонли тўқнашувлар, сиёсий ва иқтисодий қарама-қаршиликлар, терроризм, радикализм, наркотрафикнинг тобора авж олаётгани тинчлик ва барқарорликка катта таҳдид солинишини олдини олиш;

- мана шундай тобора кескинлашиб бораётган бир вазиятда биз ҳушёрлик ва сергаклигимизни йўқотмасдан, кимлар бизга хайриҳоҳ, кимлар ғаразли кўз билан қараётганини, бугунги ҳаёт, бугунги давр бизнинг олдимизга қандай ўткир талаб ва вазифаларни қуяётганини чуқур англаҳ, огоҳ, сезгир ва сафарбар бўлиб яшашимиз талаб қилиниши;

- ички ишлар органларини аҳолига ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатадиган, ҳар бир ходими томонидан «Халқ манфаатларига хизмат қилиш»ни ўз хизмат бурчи деб биладиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантириш.

“Маънавий-маърифий тайёргарлик” номли модулнинг мақсади: Тингловчиларнинг хизмат мажбуриятларини самарали бажаришлари учун касбий билимларини янгилаш, чукурлаштириш ҳамда кўникма ва маҳоратларини оширишга қаратилган.

“Маънавий-маърифий тайёргарлик” модулнинг вазифалари:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ички ишлар вазирлиги томонидан ички ишлар органлари ходимларга қўйилаётган бугунги кун талабларига жавоб берадиган юксак касбий маҳоратини ривожлантириш;
- тинловчиларда юксак даражадаги ватанпарварлик, мустақиллик ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билим, қўнишка ва малакаларига қўйиладиган талаблар:

- доимий равища ўз билим ва касбий қўнишкарни такомиллаштириб бориш, малака ва ҳукуқий маданиятини ошириш бўйича **қўнишкарга** эга бўлиши зарур;
- фаолиятига таалукли ҳукуқ нормаларидан фойдаланиш ва қўллаш **малакаларни** эгаллаши лозим.

Тингловчи:

- Хизмат фаолиятида давлат мустақиллигини ҳимоя қилиш, ҳукуқтариботни мустаҳкамлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда фуқароларнинг ҳукуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишни;
- шахснинг инсон ҳукуқлари, қонунчилик соҳасидаги ислоҳотлар талабларини;
- ижрочилик интизомига риоя этиш ва уни ташкил этиш асосларини;
- **билимларга** эга бўлиши керак;

Тингловчи:

- ўз фаолиятини режалаштириш;
- маънавий салоҳияти ва мағкуравий иммунитетини қучайтириш;
- халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлаш;
- маънавий-маърифий ишлар бўйича “ходимбай ишлаш” тизимини ўзлаштириш;
- ҳар қандай вазиятда фуқароларга ҳурмат билан мурожаат қилиш, муносабатларда вазмин бўлиш, муомала маданияти ва қонунийликка қатъий риоя қилиш;
- доимий равища интелектуал ва касбий билимларни такомиллаштириб бориш **қўнишкарига** эга бўлиши керак.

Тингловчи:

- ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари ва жамоат тузилмалари ҳамда бошқа давлат органлари билан самарали ҳамкорликни таъминлаш;
- фуқаролар, турли тоифадаги ҳукуқбузарлар, жамоатчилик вакиллари билан мулоқот қила олиш;
- фаолиятига таалукли ҳукуқ нормаларидан фойдаланиш ва қўллаш **малакаларни** эгаллаши лозим.

Тингловчи:

- шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш;
- ички ишлар органлари фаолиятини режалаштириш;
- самарали иш юритиш ва ҳужжатлар айланишини ҳамда жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш тизимини йўлга қўйиш;
- илғор хорижий ва миллий иш тажриба ва услубларини амалиётга тадбиқ этиш **компетенцияларига** эга бўлиши

**Маънавий-маърифий тайёргарлик номли модуль бўйича
машғулотлар тақсимоти:**

№	Модул мавзулари	Аудитория ўқув юкламаси, соат				Мустакил таълим
		Жами	Маъруза	Семинар	Амалий машнүлот	
1.	Ички ишлар органлари ходимларнинг маънавий салоҳияти ва мафкуравий иммунитетини кучайтиришда “Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш Концепцияси”нинг аҳамияти	2	2	-	-	-
2.	Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирларнинг мазмун-моҳияти	2	-	2	-	-
3.	Ички ишлар органлари маънавий-маърифий ишлар “ходимбай ишлаш” тизими	4	-	2	-	2
Жами:		8	2	4	-	2

1.1-Мавзу:*ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРНИНГ МАЊНАВИЙ САЛОҲИЯТИ ВА МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТИНИ КУЧАЙТИРИШДА “ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА МАЊНАВИЙ- МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ КОНЦЕПЦИЯСИ”НИНГ АҲАМИЯТИ*

Маъруза (2 соат)

Машғулот режаси:

1-ўқув саволи: Ички ишлар органларида мањнавий-маърифий ишларни ташкил этишконцепцияси ва унинг асосий мақсад ва вазифалари.

2-ўқув саволи: Мањнавий-маърифий ишларниамалиётга узлуксиз татбиқ этиш тизими ва амалга ошириш йўналишлари.

3-ўқув саволи: Концепцияни амалга ошириш механизми ва амалга оширишдан кутилаётган натижалар.

КИРИШ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ва бунёдкорлик ишлари натижасида халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши ўзгармоқда. Юртимизда ҳукуқий давлат, фуқаролик жамиятини барпо этишда “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган ҳаётбахш ғоянинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Президентимиз Ш.М. Мирзиёев сўзлари билан айтганда: “*Бугунги кунда шиддат билан ўзгариб бораётган ҳаёт олдимиизга қўяётган бири-биридан мураккаб ва муҳим масалаларни ҳал қилиши ҳақида ўйлар эканмиз, уларнинг ечими айнан таълим-тарбия билан, ёшларнинг дунёқарашини замонавий билим, юксак мањнавият ва маърифат асосида шакллантириш билан боғлиқ эканига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз*” дея таъкидлагандилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 02 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиб соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050 сон қарорининг З-иловасига мувофиқ “Ички ишлар органларида мањнавий-маърифий ишларни ташкил этишконцепцияси” қабул қилинди.

1-ўқув саволи:*Ички ишлар органларида мањнавий-маърифий ишларни ташкил этишконцепцияси ва унинг асосий мақсад ва вазифалари.*

Ички ишлар органларида мањнавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепцияси ушбу соҳадаги ишларнинг устувор йўналишлари ва асосий принциплари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, аввало, **ички ишлар органлари тизимида хизмат қилаётган барча ходимлар ва ҳарбий**

хизматчиларнинг умумий дунёқараси, сиёсий онги, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларда ватанпарварлик, ғуур, ифтихор, касбига нисбатан садоқат ва юқори масъулият ҳисларини оширишибилан боғлиқ вазифаларни белгилаб берди.

Концепцияда ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишлар "**Ватанга ва ҳалққа садоқат билан хизмат қилиш-олий бурчимиз!**" концептуал ғоясиасосида ташкил этилади, унда давлат мустақиллигини ҳимоя қилиш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш устувор вазифа сифатида белгиланди.

Мазкур ғоянинг **асосий мазмун-моҳияти** фуқароларнинг тинчлиги ва мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш учун ҳар қандай ҳуқуқбузарликка қарши курашишда ўз жонини аямайдиган, ватанпарварлик, фидойилик, садоқат ва ҳалоллик фазилатларига эга ходимларни шакллантиришдан иборат.

Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишининг асосий вазифалари қўйидагилар бўлиб хисобланади:

- ходимларни юқори касбий тайёргарликка эга, жисмонан ва маънан етук, билимли, ҳалол, ватанпарвар, мард ва жасур этиб тарбиялаш;
- ходимларнинг фаол ҳаётий позициясини мустаҳкамлаш, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, она Ватан тақдирига бўлган масъулиятини ошириш ҳамда ғоявий ва турли ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетини кучайтириш;
- ходимларни фуқаролик бурчи ва конституцион мажбуриятларини садоқат ва фидойилик билан вижданан бажаришга йўналтириш.

Концепциянинг асосий мақсади ва вазифалари. Концепциянинг асосий мақсади ходимларни ҳар қандай шароитда давлат ва ҳалқ манфаатларига хизмат қиласиган, миллий қадриятларга содик, умуминсоний қадриятларга таянадиган, ёт ва бузғунчи ғояларга муросасиз курашувчи, иймон-эътиқоди ва иродаси мустаҳкам, маънавиятли ва фидойи, аждодларимиз ва мардлик кўрсатиб ҳалок бўлган ходимларнинг бебаҳо меросига таяниб яшайдиган баркамол шахс сифатида тарбиялаш, улар қалбида давлат ва ҳалқимизнинг хавфсизлигини таъминлашда шахсий дахлдорлик ва юқори масъулият ҳиссини шакллантиришдан иборат.

КОНЦЕПЦИЯНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ БЎЛИБ ҚУЙИДАГИЛАР ҲИСОБЛАНАДИ:

-ходимларнинг маънавияти ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш ҳамда бой маданиятимиз, азалий қадриятлар ва анъаналаримизга асосланган дунёқарашини шакллантиришга йўналтирилган ягона тизимни яратиш;

-ходимларнинг онгу тафаккурига Ватан ва халқ манфаатлари га хизмат қилиш шарафли ва муқаддас бурч эканини англатиш, давлатимиз ва ички ишлар органларининг тимсоллари билан фахрланиб, қасамёдига содик бўлиш ҳамда қасбий бурчини бажаришда қонунийликка қатъий риоя этиш туйғусини чуқур сингдириш орқали халқнинг уларга бўлган ишончи ва ҳурмат ҳиссини юксалтириш;



-ходимларнинг онги ва қалбига "Янги Ўзбекистон - учинчи Ренессанс сари!" фоясининг мазмун-моҳиятини сингдириш асосида уларнинг Ватан ва халқ тақдирига, давлатимиз ҳамда ислоҳотлар талаблари га дахлдорлигини янада ошириш;

-шахсий таркибига мамлакатда амалга

оширилаётган сиёсий, хукукий, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, қонунчилик ҳужжатлари мазмун-моҳиятини тизимли тушунтириш ҳамда дунёда ва ён-атрофимиизда содир бўлаётган глобаллашув жараёнларига нисбатан уларнинг онгли муносабати ҳамда фаол ҳаётий позициясини шакллантириш;

-миллий меросимизнинг тарихий илдизларини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш, Ватанимиз озодлиги ва тинчлиги йўлида қаҳрамонлик кўрсатган буюк аждодларимиз ва жасур замондошларимизнинг ибратли ҳаётини кенг тарғиб этиш асосида ходимларда хизмат бурчини бажариш борасида қатъий ҳдётий эътиқодни қарор топтириш;

-ходимларнинг эстетик тарбиясини кучайтириш, уларнинг маданият ва санъатнинг турли соҳаларига бўлган қизиқишлирини ошириш, ушбу мақсадда адабиёт, кино, театр, тасвирий санъат имкониятларидан кенг фойдаланишни тизимли асосда йўлга кўйиш;

-ходимларнинг ички ва ташқи маънавий таҳдидлар ҳамда коррупцияга қарши мафкуравий иммунитетини кучайтириш, ички ишлар органларининг ижобий имижини шакллантириш ҳамда шу мақсадда фуқаролик жамияти институтлари, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш.

2-ўқув саволи. Маънавий-маърифий ишларни амалиётга узлуксиз татбиқ этиш тизими ва амалга ошириш йўналишлари.

**Маънавий-маърифий ишларни амалиётга
узлуксиз татбиқ этиш бўйича ички ишлар
органларининг куйидаги асосий субъектлари
иштирок этади:**



ИИВ интернат-мактаб



ИИВ Темурбеклар мактаби



ИИВ академик лицейлари



**ИИВ соҳавий, таркибий ва
худудий бўлинмалари**

**ИИВ Малака ошириш
институти**



**ИИВдаги жамоатчилик
тузилмалари**

Маънавий-маърифий ишларни амалиётга узлуксиз татбиқ этиш мақсадида ИИО таълим муассасалари ва қуий тизимдаги ҳар бир (туман, шаҳар, тармоқ) ИИОда қуийдаги қўргазмали воситалардан иборат алоҳида **ватанпарварлик бурчаклари** ташкил этилди:



❖ Ички ишлар вазирлиги томонидан Иккинчи жаҳон уруши давридан айни пайтгача хизмат вазифасини бажариш чоғида қаҳрамонлик кўрсатиб ҳалок бўлган ходимлар тўғрисидаги маълумотларни акс эттирувчи китоб тайёрланиб, Ўзбекистон Республикаси **Ички ишлар вазирлигининг 30 йиллигига** бағишлиланган санада нашр этилиб тақдимотлари амалга оширилди.



"Ички ишлар органларининг мард ўғлонлари"
номли китоб тақдимоти тадбиридан лавҳа.

Ички ишлар вазирлиги Академияси томонидан "**Ватанпарварлик асослари**", "**Касб маданияти ва муомала одоби**" номли ўқув-методик қўлланмалар тайёрланди.



таъсис этилади.

Ички ишлар вазирлиги томонидан:

-ходимларда касбига нисбатан ғуур ва ифтихор туйғуларини шакллантириш мақсадида "**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 30 йиллиги**" идоравий кўкрак нишони таъсис этилди ва касб байрами - 2021 йил 25 октябрь арафасида рағбатлантириш тариқасида намунали ходимларга тантанали равища топширилди.

-ходимлар ўртасида соғлом рақобат ва ташаббускорлик муҳитини шакллантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш мақсадида "**Ёшлар фидойиси**" идоравий кўкрак нишони таъсис этилади.

Маънавий-маърифий ишларни амалга ошириш йўналишлари. Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишлар мазкур Концепциянинг асосий мақсади ва вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда қўйидаги йўналишларда олиб борилади:

Тарбиявий ишлар: ватанпарварлик, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, оиласий-майший тарбия ҳамда якка тартибдаги тарбиявий чора-тадбирлардан иборат.

• **Ходимларни ватанларварлик руҳида тарбиялаши** доирасида уларда Ватанга садоқат, касбига нисбатан ғуур ҳиссини шакллантириш, жамоат хавфсизлиги ва қонун устуворлигини таъминлаш учун ҳар қандай ҳуқуқбузарликка қарши курашишда шахсий масъулиятни оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ўтказиб борилади;

• **ижтимоий-сиёсий тарбия** доирасида ходимларга ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар, қонунчилик ҳужжатлари, давлат дастурларининг мазмун-моҳияти тизимли равища етказиб борилади ҳамда уларда дунёда ва ён-атрофимизда содир бўлаётган глобаллашув жараёнларига нисбатан онгли муносабат ва фаол ҳаётий позиция шакллантирилади;

• **маънавий-маърифий тарбия** ўз ичига миллий меросимизнинг тарихий илдизларини ўрганиш, Ватан озодлиги йўлида қаҳрамонлик қўрсатган буюк аждодларимиз ва жасур замондошларимизнинг ибратли умр йўлини кенг тарғиб этиш тадбирларини қамраб олиб, хизмат бурчини бажариш бўйича қатъий ҳаётий эътиқодни қарор топтиришга қаратилади;

- **оилавий-машний тарбия** доирасида ходимларнинг оила аъзолари билан узвий боғлиқлигини таъминлаш, улар томонидан ходимларга касбий бурчини бажаришга руҳий кўмаклашишга қаратилган тадбирлар ўтказилади;

- **якка-тартибдаги тарбиявий ишлар** ходимларда касб учун зарур бўлган шахсий фазилатларни шакллантиришга, уларни хизмат интизоми ва қонунчиликка қатъий риоя этишга йўналтиради.

Тарбиявий йўналишда ходимларнинг онги ва тафаккурига кучли таъсир кўрсатадиган, қалбига етиб борадиган, кайфиятини қўтарадиган, янги марралар сари илҳомлантирадиган ҳамда замонавий ахборот ва тарғибот технологияларини қўллаган ҳолда таъсирчан руҳда ўтказиладиган **тадбирлар ташкил** этилмоқда.

- ✓ **Тарғибот-ташвиқот ишлари**
- ✓ **Психологик фаолият**
- ✓ **Ижтимоий-хуқуқий фаолият**
- ✓ **Маданий тадбирлар**



3-ўқув саволи: Концепцияни амалга ошириш механизми ва оширишдан кутилаётган натижалар.

Концепцияни амалга ошириш механизми - Концепцияни амалга оширишда олимлар, ёзувчи, шоир ва сиёсатчилар, ижодкор зиёлилар, давлат ва жамоат ташкилотлари, олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ҳамда ички ишлар органлари ходимлари ва фахрийлари иштирок этади.

Жумладан, ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоят (туман, шаҳар) ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан ҳамкорликда зарурӣ тадбирлар ташкил этиб борилади.

Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:

1. Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишконцепцияси”ни конспеклаштириш.
2. Маънавий-маърифий ишларни амалга ошириш йўналишлар.
3. ИИОда кўргазмали воситалардан иборат алоҳида ватанпарварлик бурчакларини ташкил этиш тартиби.

СЕМИНАР МАШҒУЛОТИ МАЗМУНИ (2- соат)

Семинар машғулотлари давомида тингловчилар машғулотнинг асосий қоидалари ҳақидаги назарий билимларга эга бўлишлари керак, амалдаги қонуности хужжатлардан тўғри қўллашни билишлари, аниқ бир ҳуқуқи нормаларини ҳуқуқий жиҳатдан саводли талқин қилиш кўникумларига эга бўлишлари керак.

Тингловчилар семинар машғулотига тайёрланганда мазкур йўналишни ўрганиш бўйича ишлаб чиқилган ўқув дастуридаги режада кўрсатилган саволларни ўрганиб олишлари ва мавзуга оид илмий адабиётлар, қонунлар ва норматив-ҳуқуқий хужжатларни таҳлил қилган ҳолда уларга оғзаки равишда жавоб ёзишлари лозим.

1.1.МАВЗУ:ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА МАЊНАВИЙ-МАЊИФИЙ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ КОНЦЕПЦИЯСИ”НИНГ АҲАМИЯТИ

Семинар машғулот

Ушбу ўқув машғулоти “*Кичик гурухларда ишлаш*” интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

“Кичик гурухларда ишлаш” методининг босқичлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 02 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиб соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050 сон қарорининг 3-иловаси бўйича



Гурухларга топшириқлар:

1-гурухга топшириқ. Мамлакатда мањнавий-мањирий маконни яратиш вазифалари.

2-гурухга топшириқ. Концепцияга кўра Ички ишлар вазирлиги томонидан тайёрланган китоб ва идоравий кўкрак нишонлари.

3-гурухга топшириқ. Концепцияни амалга ошириш механизми ва оширишдан кутилаётган натижалари.

ИЗОХ: Ушбу метод қўлланилганда ҳар бир гурухга шартли ном берилиб, уларнинг жавоблари бэши баллик тизим асосида баҳоланади. Бир гурух бошқа гурухнинг саволига тўғри жавоб берса баллар тўғри жавоб берган гурух ҳисобига ёзилади. Гурухларни Ҳар бир гурухнинг жавоби тингланади умумлаштирилади, қўшимчалар билан тўлдирилади. Аниқ жавоблар тўхтамига келинади.

1-топшириқ: Мамлакатда маънавий-маърифий маконни яратиш вазифалари.

Дунё шиддат билан ўзгариб, барқарор тараккиёт ва халкларнинг тадрижий ривожланишига рахна соладиган турли таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият билан боғлик масалалар тобора долзарблашиб бормокда.

Бу, ўз навбатида, янги УЙГОНИШ даври пойдеворини яратиш жараёнида энг ривожланган жамиятлар талабига жавоб берадиган, эркин ва хур фикрли, замонавий ва инновацион маънавий маконни шакллантириш зарурати нихоятда муҳим масалага айланаётганидан далолат беради.

Янги маънавий макон нима? Бизнинг назаримизда, у - биз орзу килаётган Янги Ўзбекистоннинг маънавий киёфаси яққол акс этадиган, халқимиз интилаётган ва эл-юртимиз баҳтиёр яшайдиган маърифатли жамиятдир.

Азалий миллий кадриятларимиз, ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган одоб-ахлок коидаларининг бутунлай йўқолиш хавфи юзага келаётган хозирги глобаллашув шароитида, маънавият ва маърифатга, ахлокий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга етишга интилишига эътибор каратиш ғоят бирламчи вазифамиздир.

Авваламбор, “оммавий маданият” кўринишида кириб келаётган турли таҳдидлар, гиёхвандлик, диний экстремизм, миссионерлик каби балоқазолардан ёшларимизни асраш, уларнинг таълим-тарбиясига ҳар биримиз масъул эканимизни хеч қачон унутмаслигимиз керак. Бу борада биз асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримизга, аждодларимизнинг бой маънавий меросига таянамиз.

Жамиятимизда СОҒЛОМ фикр, соглом куч устувор бўлиши учун биз маънавий хаётимизни юксалтириш, ахоли, аввало ёшларимизни турли заарли таъсирлардан асраш, уларни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялаш хакида мунтазам уйлашимиз, фаол иш олиб боришимиз зарур.

Афсуски, бугунги кунда маънавий таълим-тарбия, таргигот ва ташвиқот ишлари мамлакатимиздаги янгиланиш суръатлари, жамиятимиз хаётида руй бераётган ўзгаришлар ва кенг камровли ислохотларимиз талабларидан ортда колмокда.

Халқимизнинг тинчлиги, жамиятимиз баркарорлиги, умуминсоний, миллий ва диний кадриятларимизга қарши қаратилган, миллий ўзлигимизни, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган хаёт тарзини барбод килишга йуналтирилган таҳдидларга қарши курашишнинг самарали усул ва воситаларини ишлаб чикиш, қўллаш ишлари хам талаб даражасида эмас.

Оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, глобал интернет тармоги оркали таркатилаётган бўзгунчи ғоялар, ғаразли ахборотлар, одоб-ахлокни емирувчи иллатлар, ёшларни залолатга бошловчи “жозибадор” тасвиirlар ва медиа маҳсулотлар таркалишининг олдини олишга қаратилган ишларнинг натижадорлиги сезилмаяпти.

Шу сабабли биз мамлакатимизда маънавий тарбия тизимиning янги стратегиясини яратиб, халкимиз, айникса, ёшлар уртасида маънавий-маърифий ишларни сифат ва мазмун жихатидан янги боскичга кутаришимиз керак.

Бугунги кундадунёнингжуда куп минтакаларида инсоний кадриятлар емирилмокда. Айникса, пандемия шароитида айрим улкаларда бетокатлик, тажовўзкорлик кайфиятлари кучайиб бормовда. Мана шундай кескин вазиятда, улуг мутафаккирлар айтганидек, дунёни эзгулик, меҳр-шафкат, инсонийлик куткаради.

Маълумки, карантин даврида барча маданий-кунгилочар тадбирларни тухтатиб туришга мажбур бўлдик. Албатта, бу одамлар руҳиятига салбий таъсир этганини инкор этиб бўлмайди. Мана шундай шароитда халкнинг кўнглини кўтариш санъат ахлиниңг мукаддас бурчиdir.

Ёши улуг инсонлар яхши билади, илгари театрлар чекка кишлоқларгача гастролга чикиб, томоша кўрсатарди. Бу учрашувлар хакикий байрамга айланиб кетарди. Ўша анъаналарни давом эттириш зарурлигига, халқимиз ўртасида бунга эҳтиёж катта эканига жойларда ахоли вакиллари билан мулокот пайтида куп марта ишонч хосил килмоқдамиз.



Маънавий тарғиботни туғри йўлга қўйишда оммавий ахборот воситаларининг кандай катта таъсир кучига эга эканини, ўйлайманки, барчамиз яхши тушунамиз. Аммо, афсуски, бу кучдан хамма вақт хам самарали фойдалана олмаяпмиз.

Унутмаслик керакки, оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармокларда холис ахборотларнинг ўз вақтида

бериб борилиши айрим кимсалар таркатаётган ёлгон маълумотларнинг олдини олади. Бунинг учун вазирлик ва идораларда ташкил этилган ахборот хизматлари фаолиятини янада кучайтириш лозим.

Алоҳида таъкидлаб айтмокчиманки, агар кимки маънавият масаласи - бу фақат Маънавият маркази ёки тегишли вазирлик ва идораларнинг иши, деб уйласа, катта хато қилади. *Буларнинг хаммаси давлатимиз ва жамиятимизнинг, барча раҳбарларимиз, бизнинг ишонган тогимиз бўлган илгор зиёлиларимиз, барча-барчамизнинг энг асосий ва муҳим вазифамиздир.*

Бу ҳақиқатни ҳаммамиз чукур тушуниб, ўз фаолиятимизни шу асосда олиб борсақ, мен ишонаман, маънавий- маърифий соҳада ўз олдимизга қўйган вазифаларни албатта муваффадиятли адо этамиз. Ва бу натижалар бошқа соҳалардаги ютуқларимиз учун ҳам, мамлакатимиз тараққиёти ва халқ фаровонлиги учун дам мустаҳкам асос бўлиб хизмат қиласди.

Мамлакатимиз аҳолиси, аввало, ёшлар қалбида амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, шу йўналишдаги маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлигини янада оширишимиз зарурлиги давр талабига айланиб бормоқда.

Айни пайтда маънавият содасидаги ички ва ташди таддид дамда хавф-хатарларга дарши самарали курашиш, жамиятда мағкуравий иммунитетни мустадкамлаш, давлат ва жамоат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятини самарали мувофиқлаштириш масалалари янада долзарблашмоқда.

Якин йилларда мамлакатимизда янги маънавий маконни ва халкимизнинг янги тафаккурини шакллантириш буйича ишлар самарасини юксак даражага кутариш ва бу борадаги фаолият тизимини янада такомиллаштириш учун қуидаги вазифаларни амалга ошириш максадга мувофикдир:

- ❖ маънавият ва маърифат соҳасида давлат сиёсатининг устувор йуналишлари, кенг куламли ислоҳотларнинг моҳиятини кенгжамоатчиликка етказиш ишларинисамарали ва тизимли ташкил килиш;
- ❖ оила, махалла, таълим муассасалари ва меҳнат жамоаларида ижтимоий-маънавий мухитни урганиш васоғломлаштиришгакаратилганфаолиятни тизимли ташкил этиш, “махалла — туман — вилоят - республика” принципи асосида худудлар кесимидағи ижтимоий-маънавий мухитни оптималлаштириш харитасини шакллантириш, бу жараёнга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш;
- ❖ “Жахолатга қарши - маърифат” гояси асосида жамиятда ўзлуксиз маънавий-маърифий тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этишнинг стратегик йуналишлари, таъсирчан, креатив ва инновацион

услубларини ишлаб чиқиш ва уларни ўз вақтида амалга ошириш чораларини куриш;

- ❖ ахоли, айникса, ёшларимиз онгига салбий таъсир этувчи, уларни гоявий жихатдан карам килишга йуналтирилган харакатларга қарши самарали кураш олиб бориш хамда иродали, фидойи, ватанпарвар ва ўз мустакил фикрига эга авлодни тарбиялаш буйича хар бир йил учун аник чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чикиш ва уларни амалга ошириш;
- ❖ оиласий кадриятларга беписанд ва ёшлар тарбиясига масъулиятызиз караш каби иллатларга бархам беришга йуналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш;
- ❖ ахолининг Интернет жахон ахборот тармогидан фойдаланиш маданиятини ошириш, маданият, адабиёт, кино, театр, мусика ва санъатнинг барча турлари, ноширлик-матбаа маҳсулотлари, оммавий ахборот воситаларида маънавий- ахлокий мезонлар, миллим ва умуминсоний кадриятларнинг устуворлигига эришиш;
- ❖ геосиёсий ва мафкуравий жараёнларни мунтазам ўрганиш, терроризм, экстремизм, ақидапараастлик, одам савдоси, наркобизнес ва бошқа хатарли таҳдидларга қарши самарали гоявий кураш олиб бориш хамда бу борада халкаро ҳамкорлик алокаларини ривожлантириш;
- ❖ ахолининг ижтимоий-маънавий хаётида диний багрикенглик ва миллатлараро тотувлик мухитини янада мустахкамлаш, ислом дини ва фалсафасига, бошка диний конфессияларга нисбатан хурмат-эхтиром ва багрикенглик руҳида тарбиялаш, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳроқибат мухитини янада мустахкамлаш буйича маънавий- маърифий тадбирларни тизимли амалга ошириш;
- ❖ маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни ташкил этишга дойр хорижий тажрибани урганиш, шунингдек, бугунги мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жихатдан атрофлича таҳлил килиш ва баҳолаш асосида бутун мамлакатимиз микёсидаги фаолият самарасини оширишга эришиш;
- ❖ мактабгача таълим, умумий урта, урта маҳсус ва олий таълим тизими, махалла ва бошка тўзилмалар кесимида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг мониторингини олиб бориш, аниқданган муаммоларни хал этиш буйича илмий асосланган тарбия технологиялари, таклиф ватавсиялар ишлаб чикиш;
- ❖ маънавий тарбия ва ижтимоий-гуманитар фанлар буйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқикотларни ташкил этиш, уларнинг

натижаларини амалиётга самарали татбик, килинишини таъминлаш, бу борадаги ишларни мувофиклаштиришни янги боскичга кутариш;

❖ таргигбот-ташвикот ишларида ахолининг худудий, касбий хамда ёш хусусиятларини хисобга олган холда, мутаносиб, максадли ва мазмунли ёндашувни жорий этиш тартибини яратиш ва уни амалиётда куллаш механизмини такомиллаштириш;

❖ маънавий баркамол авлодни шакллантиришда оила, таълим муассасалари, махалла, оммавий ахборот воситалари ва бошка ижтимоий тўзилмалар уртасида самарали хамкорликни урнатиш механизмларини янада такомиллаштириш концепциясини ишлаб чикиш ва уни амалиётга тизимли жорий этиш.

Маънавий-маърифий соҳадаги турли фаолият шакллари самарасини ошириш оркали жамиятда мафкуравий иммунитетни мустахкамлаш, давлат ва жамоат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятини мувофиксацияниш, ушбу шиддаткор жараённи янада оптималлаштиришга алоҳида ахамият каратиш даркор.

Ахоли ўртасида фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, жамиятда миллий ва умуминсоний кадриятларга асосланган демократик тамойилларни қарор топтириш билан боғлиқ вазифалар хам ўз долзарблигини сақлаб колмокда.

Юртимиздаги тинчлик ва осойишталика, мамлакатимизнинг баркарор тараккиётига, кадрият ва урф-одатларга хамда инсонпарварлик ғояларига хавф солувчи турли ички ва ташки таҳдидларга қарши самарали таргигбот ишларини олиб бориш хам диккатимиз марказида бўлади, албатта.

2-топшириқ: Концепцияга кўра Ички ишлар вазирлиги томонидан тайёрланган китоб ва идоравий қўкрак нишонлари.

Ички ишлар вазирлиги томонидан Иккинчи жаҳон уруши давридан айни пайтгача хизмат вазифасини бажариш чоғида қаҳрамонлик қўрсатиб ҳалок бўлган ходимлар тўғрисидаги маълумотларни акс эттирувчи «Ички ишлар органларининг мард ўғлонлари» номли китоб тайёрланиб, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 30 йиллигига бағишланган санада нашр этилади.

Ички ишлар вазирлиги Академияси томонидан «Ватанпарварлик асослари», «Касб маданияти ва муомала одоби» номли ўқув-методик қўлланмалар тайёрланиб, барча ички ишлар органларида маънавий-маърифий тарбияни ташкил этиш учун тарқатилади.

Ички ишлар вазирлиги томонидан эса ходимларда касбига нисбатан ғурур ва ифтихор туйғуларини шакллантириш мақсадида «Ўзбекистон

Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 30 йиллиги» идоравий кўқрак нишони таъсис этилади ва касб байрами — 2021 йил 25 октябрь арафасида рағбатлантириш тариқасида намунали ходимларга тантанали равишда топширилади;

Ходимлар ўртасида соғлом рақобат ва ташаббускорлик муҳитини шакллантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш мақсадида «Ёшлар фидойиси» идоравий кўқрак нишони таъсис этилади.

3-топшириқ: Концепцияни амалга ошириш механизми ва оширишдан кутилаётган натижалар.

Концепцияни амалга ошириш механизми - Концепцияни амалга оширишда олимлар, ёзувчи, шоир ва сиёсатчилар, ижодкор зиёлилар, давлат ва жамоат ташкилотлари, олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ҳамда ички ишлар органлари ходимлари ва фахрийлари иштирок этади.

Жумладан, ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигитомонидан ички ишлар органларининг тарихи, тизимда хизмат қилиб, жанговар хизмат фаолиятини амалга оширган, хизмат вазифаларини бажаришда қаҳрамонларча ҳалок бўлган, шунингдек, давлат ва идоравий мукофотларга сазовор бўлган ҳамда спорт мусобақаларининг совриндорлари, алоҳида намунали хизмат қилаётган ходимлар тўғрисидаги маълумотлар тайёрланади;

вилоят (туман, шаҳар) хокимликлари билан ҳамкорликда ҳар бир (туман, шаҳар, тармоқ) ички ишлар органида қўргазмали воситалардан иборат алоҳида ватанпарварлик бурчаклари (хоналари) ташкил этилади;

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигиги билан ҳамкорликда буюк аждодларимиз ва алломалар фаолиятига оид театр спектакллари ва саҳна қўринишлари, концерт дастурлари, экскурсиялар ҳамда миллий ғурур, фахр ва ифтихор туйғуларини мустаҳкамлашга, нотиқлик санъатини шакллантиришга қаратилган оммавий маданий тадбирлар ташкил этилади;

Республика Маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда халқимизнинг маънавий қадриятлари, маданияти ва урф-одатларини, бой меросимизнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳамда одоб-ахлоқ, ҳалоллик, поклик, садоқат ва фидойиликни чуқур сингдиришга қаратилган давра суҳбатлари ўтказилади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитабилан ҳамкорликда ислом динининг асл мазмун-моҳиятини етказиш, диний саводхонликни ошириш, диний бағрикенглик,

миллатлараро тотувлик ғояларини тарғиб қилиш ҳамда ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш, хушёрлик ва огоҳлик каби туйғуларни мустаҳкамлашга қаратилган учрашувлар ўтказилади;

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда мумтоз ва замонавий адабиётимизнинг энг сара намуналари мазмун-моҳиятини тушунтириш, китобхонлик маданиятини юксалтириш ҳамда ватанпарварлик, мардлик фахр ва ифтихор туйғуларини мустаҳкамлашга қаратилган ижодий учрашувлар ўтказилади;

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, "Оила" илмий-амалий тадқиқотлар маркази билан ҳамкорликда ходимлар оилаларини ижтимоий-хуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оилаларда соғлом маънавий муҳитни яратиш, оила шаънини сақлашда ота-она ва фарзандлар масъулияти ҳамда бурчлари, ор-номус, қадр-қиммат, шарм-ҳаё каби ахлоқий меъёрларни етказиб бориш, оилаларнинг ижтимоий аҳволи, эҳтиёжлари ва муаммоларини тизимли ўрганиб боришга қаратилган тадбирлар ташкил этилади;

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан ҳамкорликда спорт билан мунтазам шуғулланиш, жисмоний ва маънавий баркамолликка интилиш, жисмонан етук, кучли ва шиҷоатли, мутахассисларни тарбиялашга йўналтирилган машғулотлар, мусобақалар ва амалий тадбирлар ташкил этиб борилади.

Назорат учун саволлар:

1. Президентимиз Ш.М. Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” асари ҳақида нималарни биласиз?
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони билан танишишмисиз?
- 3.Ички ишлар органларида концепциянинг талабларини амалга оширишда ходимлардан нималар талаб этилади?

1.2.МАВЗУ: ИИОЛАРИНИ ХАЛҚЧИЛ ПРОФЕССИОНАЛ ТУЗИЛМАГА АЙЛАНТИРИШ ВА АХОЛИ БИЛАН ЯНАДА ЯҚИН ҲАМКОРЛИКДА ИШЛАШГА ЙҰНАЛТИРИШ БҮЙИЧА ҚҰШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИНГ МАЗМУН-МОХИЯТИ

Маъруза (2 соат)


Машғұлотов режаси:

1-ўқув саволи. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги 10-сон қарорининг мазмун-мохияти.

2-ўқув саволи. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси.

3-ўқув саволи. Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти түғрисидаги низом.

4-ўқув саволи. Ички ишлар органларида кадрлар салоҳияти даражасини ошириш бүйича комплекс чора-тадбирлар «йўл харитаси» ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш.



1-ўқув саволи: Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси.

Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирилги таълим муассасалари

курсантлари ва тингловчиларининг хизмат ҳамда хизматдан ташқари фаолиятида одоб-ахлоқи ва интизомига қўйиладиган талабларни белгилайди, бошлиқлар ва ходимларнинг ўзаро муносабатларини, шунингдек, уларга нисбатан рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллаш масалаларини тартибга солади.

Ички ишлар органлари ҳарбий тузилмалари бошлиқлари ва ҳарбий хизматчиларининг ҳарбий хизмат ҳамда ҳарбий хизматдан ташқари фаолиятида одоб-ахлоқи ва интизомига қўйиладиган талаблар, бошлиқлар ва ҳарбий хизматчиларнинг ўзаро муносабатлари, шунингдек, уларга нисбатан рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллаш Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларининг Интизом устави билан тартибга солинади.

Ички ишлар органлари ишчи ва хизматчиларининг меҳнат ҳамда меҳнатдан ташқари фаолиятида одоб-ахлоқи ва интизомига қўйиладиган талаблар, бошлиқлар ҳамда ишчи ва хизматчиларнинг ўзаро муносабатлари,

шунингдек, уларга нисбатан рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллаш Ўзбекистон Республикасининг меҳнат муносабатларига доир қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади.

2-ўкув саволи. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси.

Ҳар бир ходим ички ишлар органларида хизматга қабул қилинган қундан эътиборан Кодекс қоида ва талабларини билиши, уларга қатъий ва сўзсиз риоя қилиши мажбурий ҳисобланиб, эгаллаб турган лавозими ва бажарадиган ишининг хусусиятидан қатъи назар, уларнинг барчасига бирдек татбиқ этилади.

Кодекс қоидаларига амал қилиш ходимнинг хизмат фаолияти самарадорлиги ва хизмат интизомини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири ҳисобланади.

Шахсий важ ва бошқа субъектив сабаблар ходимлар томонидан қонунчилик талаблари ва Кодекс қоидалари бузилишига асос бўла олмайди.



Ички ишлар органларида касбий маданият қоидалари.

⊕ Касбий маданият қоидалари қайси лавозимни эгаллашидан қатъи назар, ходимларнинг одоб-ахлоқи ва хизматда ўзини тутишнинг асосий талаб ва мезонларни ўз ичига олади. Ходимлар касбий маданият қоидаларининг қўйидаги асосий талабларига амал қилишга мажбурдир:

⊕ фуқаролар билан мулоқотда хушмуомала, камтар ва босик бўлиш, ижтимоий келиб чиқиши, иқтисодий аҳволи ва бошқа омиллардан қатъи назар, ҳеч бир шахс, гурух ёки ташкилотнинг камситилиши ёки афзал кўрилишига йўл қўймаслик;

⊕ Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар халқларининг урф-одат ва анъаналарини ҳурмат қилиш, турли этник, ижтимоий гуруҳ ҳамда конфессияларнинг маданий ва бошқа хусусиятларини инобатга олиш, ижтимоий барқарорлик, миллатлар ва динлараро ҳамжиҳатликка кўмаклашиш;

⊕ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини тўлиқ, холисона ва ўз вақтида қонуний кўриб чиқиши;

⊕ ўз хизмат бурчини вижданан бажаришига нисбатан фуқароларда шубҳа уйғотувчи хатти-ҳаракатдан тийилиш, шунингдек, ички ишлар органлари обрўсига салбий таъсир кўрсатувчи низоли вазиятларни юзага келтирмаслик;

⊕ ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда фуқаролар ва бошқа шахсларни камситмаслик, уларнинг хукуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳисобга олиш;

⊕ хизмат мажбуриятларини бажаришга тўсқинлик қиласидиган ёки уларни бажаришда бирон-бир шахсий, мулкий ёки бошқа манфаатларга дахлдор бўлиши мумкин бўлган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)дан ўзини тийиш;

⊕ гурухбозлик, маҳаллийчилик, таниш-билишчилик қўринишларига, шунингдек, ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий ҳолатларга йўл қўймаслик ва қатъий равишда уларнинг олдини олиш;

⊕ ички ишлар органларининг фаолияти тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилишда расмий оммавий ахборот воситалари вакилларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, шунингдек, уларнинг белгиланган тартибда ишончли маълумотларни олишига кўмаклашиш;

⊕ ўз хизмат вазифаларини вижданан, ҳалол ва юксак профессионал даражада бажариш, расмиятчилик, сохтакорлик ва суиистеъмолчиликка йўл қўймаслик;

⊕ ички тартиб қоидаларга, шунингдек, телефонда сўзлашиш ва кийиниш маданиятига қатъий риоя этиш;

⊕ ижтимоий тармоқларда давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятини муҳокама қиласлик, ахлоққа зид ибораларни ишлатмаслик, мамлакатда, шу жумладан, ички ишлар органларида амалга оширилаётган ислоҳотларга нисбатан одамларда ишончсизлик кайфиятини юзага келтириши мумкин бўлган нохолис, субъектив материалларни жойлаштирмаслик;

⊕ ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда хизмат хоналари, давлат мулки, моддий-техника базасидан ҳамда ички ишлар органларининг бошқа мулкидан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиш.



⊕ Ходимлар **коррупциянинг** ҳар қандай кўринишига қарши курашиши ва унинг профилактикасиға фаоллик билан кўмаклашиши шарт. Ходимлар ўз бошлиги ёки ваколатли органларга ўзларини бошқа шахслар хукуқбузарлик содир этишга ундан мурожаат қилган ҳар бир ҳолат, шунингдек, бошқа ходимлар томонидан содир этилган ҳар қандай ўзига маълум бўлган хукуқбузарликлар ҳақида хабар бериши зарур.

 Ходимлар хайрихоҳ, хушмуомала ва эътиборли, фуқаролар ва ҳамкасларига сабр-тоқат ва ҳурмат билан муносабатда бўлиши лозим. Ходимлар фуқароларга нисбатан қўполлик қилмаслиги, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситиш, асоссиз руҳий ва жисмоний таъсир ўтказиш ҳолатларига йўл қўймаслиги лозим. Хизмат вазифаларини бажариш вақтида ходимларнинг ташқи кўриниши иш шароити ва хизмат тадбири хусусиятини инобатга олган ҳолда, аҳолида ички ишлар органларига нисбатан ҳурмат уйғотиши, улар тоза ва ораста кийинган бўлиши зарур.

 Ходимларга хизмат мажбуриятларини бажариш ва хизмат вақтида ёхуд хизмат кийимида спиртли ичимликлар истеъмол қилиш тақиқланади. Ходимлар мансаб ваколатларини сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва уларнинг органлари манфаатлари йўлида амалга ошириши тақиқланади. Ходимларга тадбиркорлик фаолияти субъекти сифатида ёки унинг номидан бу соҳада қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган фаолият билан шуғулланиши тақиқланади.



 *Ходимларга тадбиркорлик фаолияти субъектларини ташкил этишига, уларнинг муассиси (иштирокчиси) бўлишига, тадбиркорлик фаолияти субъектида ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини бажаршига рухсат берилмайди, бундан акциядорлик жамиятларининг эркин муомалада бўлган акцияларига қонунчиликда белгиланган талабларди расидаэгалик қилиш ҳоллари мустасно.*

 Ходимлар ўз мансаб ваколатини суиистеъмол қилган ҳолда, фуқаролар, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига зарар етказиш орқали шахсий фойда олиши мумкин эмас.

 Ходимларга хизмат ваколатларини жисмоний ва юридик шахслар манфаатларини кўзлаб бажариш ёки бажармаслик эвазига улардан ҳар қандай совғалар ҳамда ҳар қандай кўринишдаги моддий бойликларни

олиш ёхуд уларнинг хизматларидан фойдаланиш тақиқланади. Бундан ходим томонидан алоҳида хизматлари учун давлат **органининг тегишли қарори асосида олинган совғалар**, шунингдек, мусобақалар ва танловларда эришган ютуқлари, умумхалқ байрамлари, расмий равишида нишонланадиган саналар ҳамда бошқа **расмий тадбирлар муносабати билан мукофотлаш натижасида олинган совғалар мустасно**.

Ходимлар фуқаролар билан муносабатда ўзларининг холислиги, мустақиллиги ва беғаразлигини шубҳа остига қўядиган, шунингдек, ҳар қандай афзалликлар, ғараз ва коррупцияни келтириб чиқарувчи вазиятлардан ўзини тийиши шарт.



Ички ишлар органларида хизмат интизомига оид талаблар.

Ички ишлар органлари-да хизмат интизоми ходимлар томонидан ушбу Кодекс талабларига қатъий ва сўзсиз риоя этишидан иборат.

Хизмат интизоми ҳар бир ходим зиммасига қўйидаги мажбуриятларни юклайди:

Ўзбекистон Республикасининг [Конституцияси](#) ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларига амал қилиш, ИИВнинг норматив ҳужжатлари талабларини қатъий бажариш;

ички ишлар органи ходимининг қасамёдига содик бўлиш, фақат ва фақат халқ ва давлат манфаатларига хизмат қилишдан иборат бўлган ўз хизмат бурчини **сўзсиз бажариш**;

фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкини, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси йўлида фидойилик билан **хизмат қилиш**;

ўзига юклатилган хизмат вазифалари ва функционал мажбуриятларини самарали **амалга ошириш**;

ишониб топширилган табель қуроли, мол-мулк ва техникани **асраб-авайлаш**;

хушёр бўлиш, давлат ва хизмат сирини қатъий **сақлаш**;

мураккаб вазифаларни бажаришда ҳамкасларига **кўмаклашиш**;

ходимлар ўртасида ўзаро муносабатларга оид қоидаларга амал қилиш, бошлиқлар ва ҳамкасларни **хурмат қилиш**;

хизмат гувоҳномаларини сақлаш ва фойдаланиш тартибига қатъий риоя этиш, улардан хизматга алоқадор бўлмаган ҳолатларда фойдаланмаслик, шу жумладан, хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, мавқеини суиистеъмол қиласлик;

доимий равища ўз билим ва касбий қўнималарини такомиллаштириб бориш, малака ва ҳукукий маданиятини ошириш;

хизматдан ташқари ҳолатларда ўзини муносиб равища тутиш, жамоат тартиби ва одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилишда намуна бўлиш.

Ички ишлар органларида

бошлиқлар ва ходимларнинг ўзаро муносабатлари. Ходим хизмат вазифасини бажариш пайтида бевосита ва тўғридан-тўғри бошлиқка бўйсунади. Ходимлар хизмат бўйича бўйсунадиган, шу жумла-дан, вақтинча бўйсунадиган раҳбарлар тўғридан-тўғри бошлиқлар бўлиб ҳисобланади. Ходимга энг яқин бўлган тўғридан-тўғри раҳбар бевосита бошлиқ ҳисобланади. Бошлиқ ўзи раҳбарлик қилаётган ички ишлар органи бўлинмасида хизмат интизомига риоя этилиши, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар самарали амалга оширилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

 Бошлиқ унга бўйсунувчи ходимлар томонидан Кодексга амал қилинишида талабчан бўлиши, юксак касбий маҳорат, қонунийлик талаблари ҳамда қасамёдга риоя этиш борасида доимий равища уларга намуна кўрсатиши, хизмат бурчи ҳиссини кучайтириши ва қўллаб-куватлаши, ташаббус, интилиш ва хизматларини рағбатлантириши, шунингдек, хизмат интизоми бузилган ҳолатларда таъсир чоралари қўлланилишини таъминлаши зарур.

 Буйруқ ва топшириқлар бўйсуниш тартибида берилади. Юқори турувчи бошлиқ зарур ҳолларда ходимга бевосита бошлигини хабардор қилмасдан буйруқ ёки топшириқ беришга ҳақли. Мазкур ҳолларда ходим ўзининг бевосита бошлигини бундан хабардор қилиши зарур. Ноқонунийлиги яққол кўриниб турган ва хизмат фаолиятига алоқаси бўлмаган буйруқ ва топшириқлар берилишига йўл қўйилмайди.

 Бошлиқ қўл остидаги ходимлардан уларнинг хизмат мажбуриятлари доирасидан чиқувчи топшириқларни бажаришни, шунингдек, қонунга хилоф хатти-ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этишни талаб қилишга ҳақли эмас.

Ходим қонунга яққол зид бўлган (хизмат фаолиятига алоқадор бўлмаган) буйруқ ёки топшириқ олганда зудлик билан юқори турувчи раҳбарга ёки хизматни ўташ жойидаги шахсий хавфсизлик бўлинмасига хабар беради.

Ходим юқори турувчи раҳбар ёки шахсий хавфсизлик бўлинмасига хабар бериш имконияти бўлмаган тақдирда қонунчилик талабларига риоя этган ҳолда ғайриқонуний буйруқ ва топшириқларни бажаришдан бош тортишга ҳақли, имкон пайдо бўлиши билан уларни хабардор қилиши лозим.

Бошлиқнинг буйруқ ва топшириқлари (қонунга зид буйруқ ва топшириқлардан ташқари) сўзсиз, аниқ ва ўз вақтида бажарилиши шарт.

Буйруқ ва топшириқларни муҳокама этишга, шунингдек, уларни танқид қилишга йўл қўйилмайди.

Ходим буйруқ ёки топшириқнинг бажарилгани тўғрисида буйруқ ёки топшириқ берган бошлиққа, шунингдек, бевосита бошлиғига ахборот беради. Буйруқ ёки топшириқни бажариш имконияти бўлмаган тақдирда, ходим зудлик билан бу ҳақда буйруқ ёки топшириқ берган бошлиқни хабардор этиши шарт.

Бошлиқ ходимларни қариндош-уруғчилик, маҳаллийчилик, таниш-билишчилик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш ва жой-жойига қўйиш ҳолатларига йўл қўймаслиги лозим. У ўз хизмат бурчини ўташ пайтида маҳаллийчилик ва таниш-билишчилик, шунингдек, бошқа салбий омилларнинг намоён этилишига барҳам бериши керак.

Бошлиқ қўйидагиларга мажбур:

бўйсунувидаги ходимларга профессионализм, ҳалоллик, холислик ва адолатлилика ўрнак бўлиш;

жамоада соғлом маънавий-рухий муҳит ва ишchan кайфиятни шакллантириш;

ходимларни қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) содир этишга ундумаслик ҳамда улардан бундай ҳаракатларни бажаришни талаб қилмаслик;

манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва ҳал қилиш, ходимлар учун қулай ва муносаб хизмат шароитларини яратиш бўйича ўз вақтида чоралар кўриш;

жамоада гурухбозлик ва фаворитизм (айрим ходимларни яқин олиш ва қўллаб-қувватлаш) кўринишларига йўл қўймаслик;

коррупция ва ўз ваколатларини суистеъмол қилиш ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриш, ходимларни хурмат қилиш, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи ҳаракатларни амалга оширмаслик;

шахсий таркибни самарали бошқариш, ходимларнинг хизмат фаолиятини холисона баҳолаш;

ўзига бириктирилган мол-мулк ва молиявий маблағларга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш;

ходимларнинг индивидуал хусусиятларини ўрганиш, улар билан ўзаро яқин муносабат ўрнатиш, жамоани бирлаштириш, ходимлар томонидан содир этилган ножёя хатти-ҳаракатларнинг сабабини ўз вақтида аниқлаш ва уларнинг олдини олиш, хизмат интизоми бузилишига муросасиз муносабатда бўлиш;

ходимларнинг, улар оила аъзоларининг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш, уларни ижтимоий ва хуқуқий ҳимоя қилиш, ижтимоий адолат принципларига амал қилиш, юқори турувчи раҳбарга қўл остидаги ходимларнинг хуқуқларини таъминлаш бўйича таклифлар киритиш;

ходимлар олдига қўйилаётган вазифа ва берилаётган топшириқларни аниқ ва тушунарли ифодалаш.

Ички ишлар органларида касбий маданият ва хизмат интизомини таъминлаш. Ички ишлар органларида касбий маданият қоидалари ва хизмат ин-тизоми талабларига риоя этиш ходимларда юксак онгу тафаккурни шаклланти-риш, маънавий-маърифий ишларни изчил олиб бориш, шунингдек, уларга нисба-тан рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллаш орқали таъминланади.

Ходимларга нисбатан қўйидаги рағбатлантириш чоралари қўлланилади:

- А) миннатдорчилик эълон қилиш;
- Б) қимматбаҳо совға ёки пул мукофоти билан тақдирлаш;
- В) Фахрий ёрлиқ билан тақдирлаш;
- Г) идоравий кўкрак нишони билан тақдирлаш;
- Д) муддатидан олдин навбатдаги маҳсус унвои бериш;
- Е) эгаллаб турган лавозими билан кўзда тутилгандан бир погона юқори маҳсус унвои бериш.



5-боб, 30-банди

ИИВ таълим муассасаларида Кодекснинг **30-бандида** назарда тутилган рағбатлантириш чораларидан ташқари курсантлар (tinglovchilar)га нисбатан қўйидаги рағбатлантириш чоралари ҳам қўлланилади:

- а) таълим муассасаси ҳудудидан навбатдан ташқари чиқиб келишга рухсат бериш;
- б) «Хурмат тахтаси»га киритиш;
- в) курсант (tinglovchi)нинг ота-онаси ёки турар жойига миннатдорлик хати юбориш;
- г) Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ёки «Жалолиддин Мангуберди» стипендиясини тайинлаш.

Алоҳида хизматлари учун ходимлар Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари ва давлат мукофотларига тавсия этилиши мумкин. *Ойлик иши ҳақи, даврий мукофотлар, қўшимча тўловлар, устама ҳақлари ва ходимларнинг пул таъминотида назарда тутилган бошқа тўловлар рағбатлантириши чораларига кирмайди.*

ХОДИМЛАРГА НИСБАТАН ҚУЙИДАГИ ИНТИЗОМИЙ ЖАЗО ЧОРАЛАРИ

- **Танбех;**
 - **Ҳайфсан;**
 - **Қаттиқ ҳайфсан;**
 - **Лавозим маошининг эллик фоиздан кўп бўлмаган микдорда жарима.**
 - **Махсус унвонини бир погона пасайтириш.**
 - **Эгаллаб турган лавозимидан озод этиш.**
 - **Гаупвахтада хибсда ушлаб туриш.**
 - **Ички ишлар органлари хизматидан бўшатиш.**
- 5-боб, 34-банди**

Кўл остидаги ходимларига нисбатан ўз ваколатларига кирмайдиган рағбатлантириш чораларини қўллаш зарурияти туғилган ҳолатда бошлиқ юқори турувчи раҳбарга бу ҳақда илтимоснома киритади.

Бошлиқ кўл остидаги ходим томонидан содир этилган ножӯя хатти-ҳаракатнинг ўта жиддийлиги сабабли уни лозим даражада жазолаш учун ўзига берилган ваколатларни етарли эмас деб ҳисобласа, юқори турувчи раҳбарга ходимга нисбатан оғирроқ интизомий жазо қўллаш тўғрисида илтимоснома киритади.

Интизомий жазо чорасини қўллашда ўз ваколатини оширган ёки Кодексда назарда тутилмаган интизомий жазо чорасини қўллаган бошлиқ интизомий жавобгарликка тортилади, қўлланилган интизомий жазо эса юқори турувчи раҳбар томонидан бекор қилинади.

Ходим хизмат сафари ёки даволанишда бўлган вактда хизмат интизомини бузган тақдирда мазкур хатти-ҳаракатдан хабар топган бошлиқ ушбу ҳолатни бартараф этиш чораларини кўради ва бу ҳақда ходимнинг хизмат жойига хабар беради.



Рағбатлантириш чоралари алохидада ходимга нисбатан ҳам, бир гурух ходимларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин. Ходимга нисбатан бир ютуғи (натижаси) учун фақат битта рағбатлантириш чораси қўлланилиши мумкин. Рағбатлантириш чорасини белгилашда ходимнинг хизмат кўрсаткичлари хусусияти, шунингдек, унинг аввалдан хизматга бўлган муносабати эътиборга олинади. Кодекснинг 34-банди **танбех, ҳайфсан, қаттиқ ҳайфсан** интизомий жазо қўлланилган ходим мазкур жазони бекор қилиш орқали

рағбатлантирилади. Интизомий жазони бекор қилиш ҳуқуқи уни қўллаган бошлиққа ёки унга тенг ваколатга эга, шунингдек, юқори турувчи ваколатли раҳбарга берилади.

Рағбатлантириши чоралари, қоида тариқасида, қуйидагича қўлланилади:

миннатдорлик эълон қилиш — касбий маданият қоидаларига риоя этиб, юклатилган вазифани, бошлиқнинг буйруғи ёки топширигини муваффақиятли бажарган ходим (ходимлар гуруҳи)га нисбатан;

қимматбаҳо ёки эсадлик совға ёхуд пул мукофоти билан тақдирлаш — касбий маданият қоидалари ва хизмат интизоми талабларига риоя этган ходим (ходимлар гуруҳи)га нисбатан хизмат фаолияти давомида юқори натижаларга эришгани, хизмат вазифасини намунали бажаргани ва бенуқсон хизмати учун, шунингдек, захирага (истеъфога) чиқиши муносабати билан ёки мусобақа (беллашув)нинг якуний натижаларига кўра;

фаҳрий ёрлиқ билан тақдирлаш — касбий маданият қоидалари ва хизмат интизоми талабларига риоя этган ходим (ходимлар гуруҳи)га нисбатан хизмат фаолияти давомида юқори натижаларга эришгани, хизмат вазифасини намунали бажаргани учун, шунингдек, мусобақа (беллашув)нинг якуний натижаларига кўра ва ўқишини (ўқув йилини) муваффақиятли яқунлагандаги;

идоравий кўкрак нишони билан тақдирлаш — ходимга нисбатан юқори хизмат интизоми, касбий маданияти ва кўп йиллик бенуқсон хизмати, ички ишлар органлари тизимини такомиллаштиришга салмоқли ҳисса қўшгани, хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик ва жасорат



кўрсатгани, шунингдек, ёш авлодни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшгани учун;

муддатидан олдин навбатдаги маҳсус унвон бериш ёки эгаллаб турган лавозими билан кўзда тутилгандан бир поғона юқори маҳсус унвон бериш — ходимга нисбатан юқори хизмат интизоми, касбий маданияти, хизмат бурчини бажариш чоғида кўрсатган қаҳрамонлиги, жасорати ва фидойилиги, ички ишлар органлари амалий фаолиятига салмоқли илмий ҳисса қўшгани (илмий даражани олганда), хизмат вазифаларини юксак даражада бажаришда намуна бўлгани учун (ички ишлар органларида хизмат ўташ масалаларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ);

таълим муассасаси худудидан навбатдан ташқари чиқиб келиш — юклатилган вазифаларни, командирларнинг буйруқ ёки топшириқларини вижданан бажарган ИИВ таълим муассасаларининг курсантлари (тингловчилари)га нисбатан;

«Хурмат тахтаси»га киритиш — ижтимоий-маданий ҳаётда фаол иштирок этган, ўқув дастурларини аъло баҳоларга ўзлаштирган ИИВ таълим муассасаларининг курсантлари (тингловчилари)га нисбатан;

ота-онасиға ёки турар жойига миннатдорлик хати юбориш — ижтимоий-маданий ҳаётда фаол иштирок этган, ўқув мавсумини аъло баҳолар билан якунлаган ИИВ таълим муассасаларининг курсантлари (тингловчилари)га нисбатан;

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ёки «Жалолиддин Мангуберди» стипендиясини тайинлаш — ижтимоий-маданий ҳаётда фаол иштирок этган, ўқув ва хизмат интизомига риоя қилишда намуна бўлган, ўқув йилини аъло баҳолар билан якунлаган ИИВ таълим муассасаларининг курсантларига нисбатан.

Қўлланилган рағбатлантириш чораси буйруқ билан эълон қилинади. Миннатдорлик эълон қилиш ва таълим муассасаси худудидан навбатдан ташқари чиқиб келиш буйруқ орқали ҳам, оғзаки ҳам эълон қилиниши мумкин. Рағбатлантирилганлиги ҳақида ходимга шахсан, саф олдида ёки кенгайтирилган мажлис (йиғилиш)да тантанали тарзда эълон қилинади. Рағбатлантириш тўғрисидаги буйруқ эълон қилинган вақтда, коида тариқасида, ходимларга фахрий ёрлик, қимматбаҳо ёки эсадалик совға ёхуд пул мукофотлари, кўкрак нишонлари топширилади. Буйруқ билан эълон қилинган рағбатлантириш чораси ходимнинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилдига киритиш орқали ҳисобга олиниши лозим.

Рағбатлантириш чораларини ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланади. Кодексда назарда тутилмаган интизомий жазо чораларини қўллаш тақиқланади. Содир этилган ножӯя хатти-ҳаракат учун фақат битта интизомий жазо тайинланади.

Хизмат интизоми бир неча ходимлар томонидан бузилганда, интизомий жазо уларнинг ҳар бирига нисбатан алоҳида қўлланилади. Содир этилганлиги маъмурий жазо тайинлашга



олиб келган хатти-ҳаракатлар учун интизомий жазо қўллашга йўл қўйилмайди.

Интизомий жазо чоралари қўлланган ходимлар, агарда уларнинг хатти-ҳаракатларида жиноят аломатлари бўлса, жиноий жавобгарликдан озод этилмайди.

Интизомий жазо чораларининг қўлланилиши асосли бўлиши ва содир этилган ножўя хатти-ҳаракат оғирлиги ҳамда айб даражасига мувофиқ келиши зарур. Интизомий жазо чораларини белгилаш чоғида ножўя хатти-ҳаракат хусусияти, содир этиш ҳолати, унинг оқибатлари, айборнинг аввалги хулқ-атвори, ички ишлар органларида хизмат ўтаган муддати, шунингдек, юклатилган хизмат вазифаларини бажаришга бўлган муносабати эътиборга олинади.

Ходим томонидан содир этилган ножўя хатти-ҳаракат кам аҳамиятли бўлса, бошлиқ унга нисбатан интизомий жазо чорасини қўлламаслиги ва бошқа бундай ҳолатларга йўл қўймаслик борасида оғзаки огоҳлантириш бериш билан кифояланиши мумкин.

Жамоада юзага келган низоли вазиятларни ҳал этиш, ножўя хатти-ҳаракатлар содир этган ходимларга жамоатчилик таъсирини ўтказиш мақсадида ички ишлар органларида сайлов асосида интизомий кенгашлар ташкил этилиб, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланган тартибда фаолият қўрсатади.

Интизомий жазо чоралари, қоида тариқасида, қўйидагича қўлланилади:

танбеҳ — юклатилган вазифаларни, бошлиқнинг топшириқлари ва услубий қўрсатмаларни бажармаган, хизмат кийимини кийиш қоидаларини бузган ходимларга нисбатан;

ҳайфсан — норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Кодекс талабларини, хизмат гувоҳномасидан фойдаланиш, фуқаролар ҳамда ҳамкаслари билан муомала маданияти қоидаларини бузган, белгиланган кун тартибига мунтазам равишда амал қилмаган ва хизмат мажбуриятларини бажармаган, жамоадаги маънавий-рухий муҳитга салбий таъсир қўрсатган ходимларга нисбатан;

қаттиқ ҳайфсан — амалдаги «ҳайфсан» интизомий жазоси бўлган ходимларга нисбатан, касбий маданият қоидалари ва хизмат интизоми талабларини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Кодекс нормаларини такроран бузганлиги учун;

лавозим маошининг эллик фоиздан кўп бўлмаган миқдорда жарима — амалдаги интизомий жазоси бор-йўқлигидан қатъи назар, касбий маданият қоидалари ва хизмат интизоми талабларини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Кодекс нормаларини қўпол равишда бузган, хизмат бурчига масъулиятсиз ёндашган, иш самарадорлиги паст бўлган ходимларга нисбатан;

махсус унвонини бир погона пасайтириши ёки эгаллаб турган лавозимидан озод этиши — амалдаги интизомий жазоси бўлган, касбий маданият қоидалари ва хизмат интизоми талабларини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Кодекс нормаларини қўпол равишда бузган, хизматни ўташга лоқайдлик билан муносабатда бўлган, юклатилган хизмат мажбуриятларини бажармаган ходимларга нисбатан;


гауптвахтада ҳибсда ушлаб туриши — интизомий жазонинг қатъий чораси сифатида ички ишлар органлари хизматидан бўшатиш учун асос бўладиган ножўя хатти-ҳаракатни содир этган ходимларга нисбатан;

ички ишлар органлари хизматидан бўшатиш — хизмат интизомини қўпол равиша бузган, ички ишлар органи ходими шаънига путур етказувчи хатти-ҳаракат содир этган, интизомий жазо чораси мавжуд бўлган тақдирда, мунтазам равиша бузган, юқуян хужжатларида белгиланган чеклов ва тақиқларга риоя этмаган ходимларга нисбатан;

навбатдан ташқари нарядда хизмат ўташга ёки беш суткагача хўжалик ишларига жалб этиш, бир ой муддатгача таълим ташкилоти худудидан навбатдаги чиқиш хуқуқидан маҳрум қилиш — юклатилган вазифаларни ёки командир (бошлиқ)нинг топшириқларини бажармаган, таълим ташкилотининг ўрнатилган ички тартиб-қоидаларини бузган, ўқув дастурини қониқарсиз ўзлаштирган ИИВ таълим муассасалари курсантлари (тингловчилари)га нисбатан;

курсант (тингловчи)лар рўйхатидан ўчириш — ИИВ таълим муассасалари курсант (тингловчи)ларига нисбатан касбий маданият қоидалари ва хизмат интизоми талабларини бузганлиги, ўқув дастурини ўзлаштира олмаганлиги учун.

Амалдаги интизомий жазо бор-йўқлигидан қатъи назар, хизмат интизомини қўпол равиша бузган ходимга нисбатан ички ишлар органларидан бўшатиши интизомий жазоси ҳам қўлланилиши мумкин.



ходимга ишониб топширилган табель курниң си тиннің ұйғарыны, нөл-мүлкінің (екінші) техникалырын касалан йүк килиш, зарар етказиш ёки уннинг (уларнинг) йўқолишишга сабаб бўладиган тарзда эҳтиётсизлик билан саклаш (агар бу жинонӣ жавобгарликка олиб келмаса);

махбуснинг ёки кўлга одишган шахснинг кочиб кетишига, нуд маблаги ёки товар бойликларини ва хужжатларини йўқолишишга сабаб бўлган тарзда пост ва конвой хизматини ўтсан контейнерини бузиш (агар бу жинонӣ жавобгарликка олиб келмаса).

Ходим хизмат жойида алкоголь ичимлік, тіхъванлилк воситаси ва (ёки) бошқа моддалар таъсирида маист бўлгани тиббий текширув натижаларига, агар ходим текширувдан бош тортса.

Касбий маданият қоидаларини, шунингдек, бошлиқ ва ходимлар ўртасидаги муносабат қоидаларини қўйол равишда бузии ички ишлар органи ходими шаънига путур етказувчи хатти-ҳаракат содир этиши ҳисобланади.

Жамиятдаги одоб-ахлоқ қоидаларини очиқдан-очик писанд қилмаслик билан боғлиқ бўлмаган оиласи келишмовчиликлар, жанжаллар ва майший низолар ички ишлар органи ходими шаънига путур етказувчи хатти-ҳаракат сирасига кирмайди. Интизомий жазо чораси мавжуд бўлган тақдирда, мунтазам равишда хизмат интизомини бузиш, деганда буйруқ асосида эълон қилинган амалдаги интизомий жазоси бўлгани ҳолда, ходим томонидан хизмат интизомини бир неча бор бузиш тушунилади.

Махсус унвонини бир погона пасайтириши ёки эгаллаб турган лавозимидан озод этиши тарзидаги интизомий жазо чоралари, қоида тариқасида, айборрга бошқа интизомий жазо турлари тегишилича таъсир кўрсатмаган ҳолларда қўлланилади.



Гауптвахтада ҳибсда ушлаб туриш тарзидаги интизомий жазо қўлланилганда, ходим ушбу ножӯя хатти-ҳаракати учун (агар бу жинонӣ жавобгарликка олиб келмаса) ички ишлар органлари хизматидан бўшатилмайди.

Гауптвахтада ҳибсда сақлаш муддати сафдорлар, сержантлар ва кичик офицерлар таркиби ходимлари учун — **10 суткагача**, катта офицерлар таркиби ходимлари учун — **5 суткагача** бўлиши мумкин.

Гауптвахтада ҳибсда ушлаб туриш тарзидаги интизомий жазо аёлларга нисбатан қўлланилмайди.

Интизомий жазо қўллашдан аввал ходимдан ёзма тушунтириш олиниши лозим. Агар ходим ушбу тушунтиришни беришдан бош тортса,

тегишли равища далолатнома расмийлаштирилади. Тушунтиришни беришдан бош тортиш ҳолати содир этилган қилмиш учун интизомий жазо тайинлашга тўсқинлик қила олмайди ва жазонинг оғирроқ қўриниши ва чораларини қўллашга олиб келмайди. Интизомий жазо чораларини қўллаш пайтида бошлиқ ходимнинг шаъни ва қадр-қимматини камситмаслиги, у билан муносабатда қўполликка йўл қўймаслиги зарур. Интизомий жазонинг қўлланилиши ходимни ножўя хатти-ҳаракат оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш мажбуриятидан озод этмайди.

Интизомий жазо ножўя хатти-ҳаракат бошлиқقا маълум бўлган кундан бошлаб бир ой муддат ичида, хизмат текшируви ўтказилганда эса — текширув тугаган кундан бошлаб **10 суткадан кечикмай** қўлланилиши керак, бунда айборнинг хасталик ва таътилда бўлган вақти ҳисобга олинмайди.

Интизомий жазо ножўя хатти-ҳаракат содир этилган кундан бир йилдан ортиқ муддат ўтгандан кейин қўлланилиши мумкин эмас.

Маст ҳолатда бўлган айборга нисбатан интизомий жазо қўллаш, шунингдек, ундан ҳар қандай тушунтириш олиш ходим ҳушёр ҳолга қелгунча кечикирилади. Қўлланилган интизомий жазо чораси буйруқ билан эълон қилинади. Навбатдан ташқари нарядда хизмат ўташга ёки беш суткагача хўжалик ишларига жалб этиш, бир ой муддатгача таълим муассасаси худудидан навбатдаги чиқиш ҳукуқидан маҳрум этиш ҳам буйруқ орқали, ҳам оғзаки эълон қилиниши мумкин.

Буйруқда эълон қилинган интизомий жазо қўллаш ҳақидаги қарор интизомий кенгаш хулосаси, шунингдек, ўтказилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланадиган хизмат, комплекс ёки инспекторлик текширувлари асосида қабул қилинади.

Интизомий жазо чораси қўлланилганлиги ҳақида ходимга шахсан, саф олдида ёки кенгайтирилган йиғилиш (мажлис)да эълон қилинади. Амалдаги интизомий жазоси мавжуд бўлган ходимнинг номзоди ушбу жазо бекор қилингунга қадар рағбатлантиришга, навбатдаги маҳсус унвон олишга ва юқори лавозимларга тайинланишга тақдим этилмайди. Шикоят билан арз қилинган ҳолларда тайинланган интизомий жазони ижро этиш тўхтатилмайди.

Ходим интизомий жазо эълон қилинган кундан эътиборан бир ой муддат ичида юқори турувчи бошлиқقا ёки хизматни ўташ жойидаги шахсий хавфсизлик бўлинмасига шикоят билан мурожаат этиши мумкин. Буйруқ асосида тайинланган интизомий жазо тайинланган вақтдан бошлаб бир йил ўтгач бекор қилинади (агар ходим шу муддат ичида янги интизомий жазога тортилмаса). Рағбатлантириш тартибида интизомий жазо бир йил ўтмасдан бекор қилиниши мумкин.

Агарда бир йил ичида ходимга нисбатан бир неча интизомий жазо тайинланса, уларни бекор қилиш муддати охирги тайинланган интизомий жазо чораси санаси бўйича ҳисобланади.

Буйруқда эълон қилинган интизомий жазо чораси ходимнинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилдига киритиш орқали ҳисобга олиниши лозим. Интизомий жазо чораларини ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланади.

Бошлиқнинг ҳаракатлари устидан шикоят қилиш Ҳар бир ходим бошлиқнинг унга нисбатан қонунга зид ёки ноҳақ ҳаракатлари устидан юқори турувчи раҳбар ёки хизмат жойидаги шахсий хавфсизлик

бўлинмасига ёзма шикоят беришга ҳақли. Ходимнинг шикоятида баён этилган масалаларни ҳал этиш ваколатига кирмайдиган юқори турувчи раҳбар ушбу мурожаатни беш кун муддатда ваколатли идорага юборади.

Юқори турувчи раҳбарга ёки хизмат жойидаги шахсий хавфсизлик бўлинмасига қонунчиликни бузиш фактлари ёхуд ўзига нисбатан ноҳақ муносабатда бўлингандиги ҳақида мурожаат этганлиги учун қўл остидаги ходимни таъкиб этган бошлиқ интизомий тартибда жавобгарликка тортилади (агар унинг хатти-ҳаракатлари жиноий жавобгарликка олиб келмаса).

Ходимларнинг шикояти бир ой ичида ҳал этилади, қўшимча текширув талаб этмайдиганлари эса зудлик билан, бироқ келиб тушган кундан эътиборан 15 кундан кечиктирмаган ҳолда кўриб чиқилади.

Қасддан ёлғон шикоят билан мурожаат этган ходимлар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Кодекс нормаларининг бажарилиши устидан назорат ички ишлар органлари маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Кодекс нормаларининг бузилиши қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланган жавобгарликка тортиш учун асос хисобланади.



З-ўқув савол. Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти тўғрисида низом.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти тўғрисида НИЗОМ Узбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил

20 январдаги “[ИИОларини](#)

халқчил профессионал тузилмага айлантириши ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чоратаддабирлари тўғрисида”ги ПҚ-10-сон қарорининг 2-иловаси асосан тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти ички ишлар органларида кадрлар сиёсатини амалга ошириш, маънавий-маърифий ва мукофотлаш ишларини ташкил этиш, хизматни ўташ қоидалари ва меҳнат муносабатларига риоя этиш, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шунингдек, ижтимоий ҳимоя жараёнларини таъминлайдиган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги марказий аппаратининг мустақил бўлинмаси хисобланади.

Департамент ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг [Конституцияси](#), Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари

тўғрисида»ги [конуни](#) ва бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, ИИВнинг норматив хужжатлари, шунингдек, ушбу Низомга амал қиласди.

Ички ишлар органларининг маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш бўлинмалари тизимига қуидагилар киради:

Департамент;

ИИВ департаментлари ва уларнинг қуий тузилмалари, ҳарбий тузилмалари, таълим, ўқув ва тиббиёт муассасаларининг маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш бўлинмалари (бошқарма, бўлим, бўлинма, гурӯҳ);

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш хизматлари;

туман ва шаҳарлар ички ишлар органларининг маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш бўлинмалари (бўлим, бўлинма, гурӯхлари).

Департамент ўз фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича белгиланган тартибда ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари, хуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари, ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ хорижий давлатларнинг ваколатли идоралари билан ўзаро ҳамкорликни амалга оширади.

Департамент Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўзининг тўлиқ номи ёзилган мухри ҳамда бланкасига, штампига эга.

Департамент Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан таъсис этиладиган ва фаолиятининг ўзига хос хусусиятини акс эттирадиган рамзига эга бўлиши мумкин.



Департаментнинг асосий вазифалари ва функциялари
Куйидагилар Департаментнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ички ишлар органларининг маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш бўлинмалари тизимига кирадиган тузилмаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, комплекс таҳлил қилиш, баҳолаш, уларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш;

ички ишлар органларида маънавий-маърифий ва ахлоқий-руҳий ишларни ташкил этиш, қасбий маданият ва хизмат интизоми талабларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, шунингдек, шахсий таркибни ватанпарварлик руҳида доимий равиша тарбиялаш фаолиятини амалга ошириш;

ички ишлар органларидаги хизматга, шунингдек, идоравий таълим муассасаларига номзодларнинг танлов асосида қабул қилинишини ташкил этиш, кадрлар сиёсатини амалга оширишни таъминлаш, хизматни ўташ тартибининг қоидалари ва меҳнат муносабатларига риоя этилишини, узлуксиз ўқув-карьера жараёнига доир талабларнинг бажарилишини назорат қилиш;

ички ишлар органлари учун профессионал кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг доимий равиша малакасини ошириш жараёнини ташкил этиш;

ички ишлар органларида шахсий таркибни мукофотлаш ишларини таъминлаш, номзодларни давлат ва идоравий мукофотларга холислик тамойили асосида тақдим этиш, тизимда геральдика фаолиятини амалга ошириш;

ички ишлар органларида шахсий таркибнинг хизмат, жанговар, жисмоний ва психоложик тайёргарлигини таъминлаш, тизимда мусобақаларни ўtkазиш орқали ходимлар ва уларнинг оила аъзоларида спортга бўлган қизиқишини ошириш;

ички ишлар органлари шахсий таркиби ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш, соғлиги муҳофаза қилинишини ва малакали тиббий хизмат кўрсатилишини ташкил этиш;

ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш соҳасидаги қонунчиликни, фаолият шакллари ва усусларини янада такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.



Зиммасига юклатилган вазифаларга мувофиқ Департамент қуидаги функцияларни амалга оширади:

а) кадрлар билан ишлаш бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш, комплекс таҳлил қилиш, баҳолаш, уларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш соҳасида:

кадрлар билан ишлаш бўлинмалари фаолияти устидан ташкилий-услубий раҳбарликни амалга ошириш;

кадрлар билан ишлаш бўлинмаларининг яқин ҳамкорликда самарали ишлашини ташкил этиш;

кадрлар билан ишлаш бўлинмалари фаолияти устидан идоравий назоратни амалга ошириш, шу жумладан, жойларга чиқсан ҳолда, уларнинг ишларини ўрганиш, назорат текширувларини ўтказиш, аниқланган камчиликлар ва муаммоларни бартараф этиш чораларини кўриш;

маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш соҳасидаги ҳисботларнинг ягона шаклда юритилишини таъминлаш, ахборот-таҳлил ҳамда ҳисбот маълумотлари базаси ва тизимларини шакллантириш;

кадрлар билан ишлаш бўлинмалари фаолиятини комплекс, тизимли таҳлил қилиш, баҳолаш, фаолият самарадорлигини ошириш бўйича чоралар ишлаб чиқиш, ижобий иш амалиётини тизим миқёсида оммалаштириш;

кадрлар билан ишлаш бўлинмалари фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш, амалга оширилаётган ишлар тўғрисида жамоатчиликни мунтазам хабардор қилиб бориш, ички ишлар органлари ходимининг ижобий имижини шакллантириш;

кадрлар билан ишлаш бўлинмаларини юқори малакали мутахассислар билан тўлдириш, уларнинг ходимларини рағбатлантириш ишларини ташкил этиш ва таъминлаш;

кадрлар билан ишлаш бўлинмалари ходимлари ўртасида хизмат интизоми ва қонунийлик бузилиши ҳолатларининг олдини олиш, коррупцион омилларга барҳам бериш борасида ишларни ташкил этиш ва амалга ошириш;

маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш йўналишида ахборот-таҳлилий материаллар, шарҳлар, услубий тавсиялар ва кўрсатмалар тайёрлаш;



кадрлар билан ишлаш бўлинмалари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиша қонунийликка риоя этилишини ташкил этиш;

кадрлар билан ишлаш бўлинмалари зиммасига юклатилган вазифаларни самарали бажаришида уларга услубий, амалий ёрдам кўрсатиш, шу жумладан, жойларга чиқсан ҳолда бевосита кўмаклашиш;

кадрлар билан ишлаш бўлинмаларининг ички ишлар органлари бошқа соҳавий хизматлари, бошқа давлат органлари ва ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари билан яқин ҳамкорлигини ташкил этиш;

б) ички ишлар органларида маънавий-маърифий ва ахлоқий-руҳий ишларни ташкил этиш, қасбий маданият ва хизмат интизоми талабларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, шунингдек, шахсий таркибни

ватанпарварлик руҳида доимий равища тарбиялаш фаолиятини амалга ошириш соҳасида:

ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепциясини ҳаётга самарали татбиқ этиш фаолиятини амалга ошириш, бу борада барча соҳавий, тармоқ ва худудий ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

ички ишлар органларининг шахсий таркиби билан маънавий-маърифий, тарбиявий ва психологик ишларни ташкил этиш ва амалга ошириш;

«ходимбай» ишлаш тизими асосида шахсий таркиб ўртасида одоб-ахлоқ қоидалари, қонунийликка ва хизмат интизомига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, коррупцион ҳолатларни барвақт олдини олиш;

ички ишлар органларида «мураббийлик институти»ни самарали амалга оширишни ташкил этиш, мураббийлар ва ёш ходимлар фаолиятини мониторинг қилиш, баҳолаш ҳамда услубий таъминлаш ишларини йўлга кўйиш;

ёшларга оид давлат сиёсатининг ички ишлар органларида амалга оширилишини таъминлаш, ёш ходимларни садоқат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашни ташкил этиш;

тегишли ташкилотлар ва муассасалар билан ҳамкорликда ички ишлар органларининг шахсий таркиби ва уларнинг оила аъзолари учун маданий-маърифий ишлар амалга оширилишини ташкил этиш;

маданият, санъат ва бадиий тадбирларни ташкил этиш орқали шахсий таркибни ғоявий, ватанпарварлик руҳида ва маданий-эстетик тарбиялашни тарғиб этиш;



ички ишлар органлари фахрийлар кенгashi фаолиятини самарали ташкил этиш орқали **«Устоз-шогирд»** анъанасини оммалаштириш;

ходимларнинг маънавий-ахлоқий хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ хизмат интизомининг бузилиши ва бошқа салбий ҳолатлар бўйича хизмат текширувлар ўтказиш, ички ишлар органларида интизомий жазо чораларини кўллаш фаолиятини ташкил этиш;

шахсий таркиб ўртасида юксак ватанпарварлик руҳидаги муҳитни шакллантириш, уларнинг руҳий-психологик тайёргарлигини таъминлаш ва мувофиқлаштириш;

ички ишлар органларида маънавий-руҳий муҳитни мунтазам равища ўрганиш ва мониторингини олиб бориш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар белгилаш;

ички ишлар органларига хизматга, олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилинаётган номзодларни индивидуал-психологик ва психофизиологик ўрганиш чораларини ташкил этиш ва амалга ошириш;

ички ишлар органларида психологлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш ҳамда хизмат фаолиятини яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ички ишлар органларида хотин-қизларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича фаолиятини ташкил этиш;

в) ички ишлар органларидаги хизматга, шунингдек, идоравий таълим муассасаларига номзодларнинг танлов асосида қабул қилинишини ташкил этиш, кадрлар сиёсатини амалга оширишни таъминлаш, хизматни ўташ тартибининг қоидалари ва меҳнат муносабатларига риоя этилишини, узлуксиз ўқув-каръера жараёнига доир талабларнинг бажарилишини назорат қилиш соҳасида:

ички ишлар органларидаги хизматга номзодларни қабул қилиш, лавозимга тайинлаш, лавозимдан озод этиш, хизмат муддатини узайтириш, ички ишлар органлари ихтиёрида қолдириш ва хизматдан бўшатиш учун келиб тушган тақдимномаларни кўриб чиқиш ва ушбу масалалар юзасидан раҳбариятга таклиф киритиш;

ички ишлар органларидаги бўш лавозимларни юксак ватанпарвар кадрлар билан тўлдириш, ички ишлар органлари ихтиёрида қолдирилган ходимларни лавозимга тайинлашни ташкил этиш;

ички ишлар органларида хизмат ўташ, маҳсус ва ҳарбий унвонлар бериш ҳамда раҳбар кадрларни ротация қилиш ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш;

шахсий таркибнинг касбий салоҳияти ва фаолияти натижаларини КРІ тизими асосида баҳолаш, баҳолаш натижалари бўйича уларнинг рейтингини юритиш;

ички ишлар органларидаги хизматда бўлишнинг белгиланган чегарадаги ёшига тўлган ва тўладиган ходимлар мониторингини юритиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва ИИВ номенклатураси (рўйхати)га киритилган раҳбарлик лавозимларига кадрлар захирасини шакллантириш ва юритиш;

махфий ҳужжатлар билан ишлаш учун рухсатнома талаб этиладиган лавозимлар рўйхатини шакллантириш, ходимлар ва номзодларга рухсатномаларни расмийлаштириш, сақлаш ва юритишни ташкил этиш;

шахсий таркиб ва унинг яқин қариндошларига нисбатан қўшимча маҳсус текширув ишларини режалаштириш ва амалга ошириш, чет эл давлатларига чиқиш учун рухсат сўраб қилган мурожаатларни кўриб чиқиш;

шахсий таркиби аттестациядан ўtkазish борасидаги ишларни ташкил этиш ва амалга ошириш;

ходимларнинг анкета ҳамда хизмат фаолиятига оид маълумотларини юритиш, уларни лавозимга тайинлаш, лавозимдан озод этиш, ротация қилиш, хизмат муддатини узайтириш, хизматдан бўшатиш, уларга маҳсус унвонлар бериш ҳақидаги тақдимномаларни кўриб чиқиш учун киритиш ишларининг «E-kadr» ёпик ахборот тизими орқали амалга оширилишини таъминлаш;

шахсий таркибнинг шахсий ҳужжатлари йифмажилларини сақлаш, юритиш ҳамда хизмат ўташга оид маълумотларни қайд этиб бориш;



хизматдан бўшатилган ходимларнинг меҳнат дафтарчалари ёки меҳнат фаолиятини тасдиқловчи ҳужжатларни расмийлаштириш ва ҳисобини юритиш, ҳарбий ҳисобга қўйиш учун йўлланмалар беришни таъминлаш;

шахсий таркибга хизмат гувоҳномалари ва жетонлар берилишини ташкил этиш ҳамда ушбу масалага оид ҳисботларни юритиш;

ИИВ таркибий тузилмалари ва ҳудудий бўлинмалари ходимларига хизмат йиллари учун фоизли устама ҳақ ўрнатишга оид ҳужжатларни расмийлаштириш;

г) ички ишлар органлари учун профессионал кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг доимий равища малакасини ошириш жараёнини ташкил этиш соҳасида:

кадрларни мақсадли тайёрлашни ташкил этиш, идоравий таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиш, уларнинг ўқув-тарбия жараёнини назорат қилиш ҳамда мувофиқлаштириш;

идоравий таълим муассасаларининг ўқув-методик, илмий-тадқиқот, кадрлар билан ишлаш ва тарбиявий йўналишлардаги фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

ички ишлар органларининг кадрларга бўлган эҳтиёжларини ўрганиш ва идоравий ҳамда турдош таълим муассасалари, шу жумладан хорижий давлатлар ҳукуқ-тартибот органларининг таълим муассасаларига ўқишга қабул ўринларини ажратиш бўйича таклифлар киритиш;

идоравий таълим муассасаларига номзодларни қабул қилиш бўйича танловлар ўтказилишини ташкил этиш, ушбу фаолиятни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

идоравий таълим муассасаларида ўқитиладиган мутахассислик йўналишларида кадрлар тайёрлаш бўйича давлат таълим стандартлари, малака талаблари ҳамда ўқув режалари ва дастурларини тайёрлашни ташкил этиш;

идоравий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёни, илмий-тадқиқот ишлари ташкил этилганлигини, олий таълимдан кейинги таълим жараёнини мунтазам равища ўрганиб бориш;

ички ишлар органларининг кадрларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб, идоравий ва турдош олий таълим муассасалари, шу жумладан **хорижий давлатлар ҳукуқ-тартибот органларининг** таълим муассасалари битирувчиларининг тақсимотини ўтказиш;

ёш кадрларга биритирилган мураббийлар фаолиятини ўрганиш орқали уларнинг касбий ўсишлари узлуксиз мониторинг қилинишини ташкил этиш;

идоравий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари таркибига педагог кадрларни ишга қабул қилиш бўйича комиссия (ишчи гурух) фаолиятини назорат қилиш;

идоравий таълим муассасалари ва ҳудудий ички ишлар органларида конференция, илмий анжуманлар, ўқув-услубий семинарлар, давра сұхбатлари ва фан олимпиадалари, шунингдек, ходимларнинг касбий маҳоратини ошириш юзасидан ўқув йиғинлари ва тренинглар ўтказилишини ташкил этиш;

идоравий таълим муассасалари курсантлари ва тингловчиларига белгиланган намунадаги кўкрак нишонлари ва стипендиялар тайинлашга оид ҳужжатларни кўриб чиқиш ва расмийлаштириш;

ИИВнинг таркибий ва худудий бўлинмалари билан биргаликда ходимларнинг малака оширишга бўлган эҳтиёжини ўрганиш;

кадрларни бошланғич тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнини ташкил этиш, мониторингини ўтказиш ва мувофиқлаштириш;

шахсий таркибнинг республика давлат бошқаруви органлари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, таълим муассасалари ва бошқа ташкилотларда белгиланган келишувлар асосида малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ишларини ташкил этиш;

ходимларнинг хорижий давлатлар, хусусан таълим муассасаларида узоқ муддатли ўқув дастурлари асосида малака ошириши ва тажриба орттириши бўйича чора-тадбирларни ташкил этиш;

д) ички ишлар органларида шахсий таркибни мукофотлаш ишларини таъминлаш, номзодларни давлат ва идоравий мукофотларга холислик тамойили асосида тақдим этиш, тизимда геральдика фаолиятини амалга ошириш соҳасида:

ички ишлар органларида шахсий таркибни рағбатлантириш

чораларини қўллаш фаолиятини ташкил этиш, назорат қилиш ва амалга ошириш;

давлат мукофотлари ва фахрий унвонларига тавсия этилган номзодларнинг ҳужжатларини кўриб чиқиш, мукофотлашга тақдим этиш бўйича тегишли тақдимномалар расмийлаштириш ҳамда ушбу фаолиятни мувофиқлаштириш;

ички ишлар органларининг давлат мукофотлари ва геральдика бўйича марказий, худудий ва соҳавий комиссиялар фаолиятини ташкил этиш;

шахсий таркибга нисбатан қўлланилган рағбатлантириш чораларининг ҳисобини юритиш, бу борада шахсий ҳужжатлар йифмагилдларига маълумотларни киритиб боришни таъминлаш;

мукофотлаш ишларига масъулиятсизлик билан ёндашган, номзодларни тақдим этишда холислик тамойилига риоя этмаган ички ишлар

раҳбарлари ва ходимларига нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш бўйича таклифлар киритиш;

ички ишлар органларида геральдика фаолиятини мувофиқлаштириш, тизим бўйича тайёрланаётган барча турдаги фарқловчи белгилар (рамзлар)нинг асослигини ўрганиш ва келишиш, идоравий кўкрак нишонларни таъсис этиш бўйича ишларни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотлари ва геральдика бўйича комиссия билан ҳамкорликни амалга ошириш;

е) ички ишлар органларида шахсий таркибнинг хизмат, жанговар, жисмоний ва психологик тайёргарлигини таъминлаш, тизимда мусобақаларни ўтказиш орқали ходимлар ва уларнинг оила аъзоларида спортга бўлган қизиқишини ошириш соҳасида:

жиноятчиликка қарши курашишнинг замонавий шакл ва усусларида мос равища шахсий таркибнинг хизмат, жисмоний, жанговар ва психологик тайёргарлигини ошириб боришини ташкил этиш ва назорат қилиш;

шахсий таркибнинг хизмат, жисмоний, жанговар ва психологик тайёргарлиги бўйича машғулотларнинг доимий равища самарали ўтказилишини таъминлаш ва назорат қилиш;

ички ишлар органларида ходимларнинг хизмат, жисмоний, жанговар ва психологик тайёргарлиги борасида олиб борилаётган ишларни назорат қилиш, ҳисобини юритиш, таҳлил қилиш, соҳа самарадорлигини ошириш ва такомиллаштириш бўйича илгор тажрибаларни жорий этиш ҳамда чора-тадбирларни белгилаш;

шахсий таркибнинг хизмат, жисмоний, жанговар ва психологик тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича даврий синовлар ўтказиш ҳамда бу борада марказлаштирилган рейтинг тизимини юритиш;

шахсий таркибга малака тоифаларини бериш борасидаги ишларни ташкил этиш, назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

ички ишлар органларида хизматга номзодларни қабул қилиш юзасидан жисмоний тайёргарлик бўйича синовлар методикасини ишлаб чиқиш ва ўтказилишини таъминлаш;

жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашишда ходимларнинг жисмоний ва жанговар тайёргарлиги бўйича спорт мусобақаларини ўтказиш ва мувофиқлаштириш;

шахсий таркибнинг ички ишлар органлари тизимида, республика, шунингдек, халқаро миқёсида ўтказиладиган спорт мусобақаларида иштирокини таъминлаш;

шахсий таркибнинг жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этилишини оммалаштириш чора-тадбирларини белгилаш;



ички ишлар органлари шахсий таркибининг ўқотар куроллардан фойдаланиш кўнималарини шакллантириб бориш мақсадида табель ва спорт қуролларидан ўқ отиш мусобақаларини ташкил этиш ва назорат қилиш;

ички ишлар органлари шахсий таркиби билан саф тайёргарлиги машғулотларини ташкил этиш ва назорат қилиш;

идоравий таълим

муассасалари курсантлари ва тингловчилари, шунингдек, хизматга қабул қилинган ходимлар билан ўқув-дала машғулотлари ўтказилишини ташкил этиш;

ички ишлар органлари шахсий таркиби ва хизматга номзодлар ўртасида тест синовлари ўтказилишини таъминлаш, натижаларини таҳлил қилиш ва мувофиқлаштириш;

ходимларнинг жисмоний ва жанговар тайёргарлигини таъминлаш соҳасида худудий, маҳаллий ва тармоқ ички ишлар органларининг фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

аҳоли ўртасида мусобақалар ўтказиш орқали спортга қизиқишини ошириш чораларини белгилаш;

ж) ички ишлар органлари шахсий таркиби ва унинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш, соғлиғи муҳофаза қилинишини ва малакали тиббий хизмат кўрсатилишини ташкил этиш соҳасида:

ички ишлар органлари шахсий таркиби ва унинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларини амалга ошириш;



ижтимоий ҳимоя қилиш кафолатларидан фойдаланиш борасидаги барча хизматлар «ягона дарча» тамойили асосида фақат **«Э-ijtimoiy-himouya.iiiv.uz» ягона интерактив хизматлар портали** орқали адолатлилик билан кўрсатилишини, электрон навбат ошкора юритилишини таъминлаш;

ички ишлар органлари шахсий таркибига таътиллар берилишини таъминлаш ва назорат қилиш;

ички ишлар органлари шахсий таркибини ижтимоий ҳимоя қилиш фаолиятига оид ҳисоботларни юритиш ва мониторинг қилиш;

ички ишлар органлари шахсий таркибининг соғлиғини муҳофаза қилиш юзасидан давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;

ИИВ тиббиёт муассасалари томонидан шахсий таркиб ва унинг оила аъзоларига малакали тиббий хизмат кўрсатилишини ташкил этиш, назорат қилиш ва мониторингини ўрнатиш;

шахсий таркиб ўртасида турли сурункали касалликлар келиб чиқишининг олдини олиш ва профилактикасини таъминлаш юзасидан даврий тиббий кўриклар ўтказилишини назорат қилиш;

антропометрик кўрсаткичлари бўйича семизликнинг турли даражалари бўйича ортиқча вазнга эга ходимлар билан даволаш-соғломлаштириш тадбирларини ташкил этиш ва мониторинг қилиш;

3) ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш соҳасидаги қонунчиликни, фаолият шакллари ва усулларини янада такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасида:

ИИВ фаолиятини жорий ва истиқболли режалаштиришда, кадрлар билан ишлаш бўлинмалари ривожланишининг асосий йўналишлари ва концепцияларини ишлаб чиқиша иштирок этиш;

кадрлар билан ишлаш бўлинмалари фаолиятининг ҳолати тўғрисида, ижтимоий ҳимояни таъминлашнинг муаммоли масалалари юзасидан ахборот-таҳлилий маълумотлар тайёрлаш;

кадрлар билан ишлаш бўлинмалари зиммасига юклатилган вазифаларнинг амалда бажарилишини тизимли таҳдил қилиш, уларнинг самарали амалга оширилишига салбий таъсир кўрсатаётган камчилик ва муаммоларни аниқлаш, шунингдек, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлашнинг шакл ва усулларини янада такомиллаштириш, бошқарувни ташкил этишнинг замонавий усулларини, **илгор илмий-техник воситалар** ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш соҳасига доир қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқларининг тўлиқ ва самарали ижросига тўсқинлик қилаётган тизимли камчиликларни аниқлаш, шунингдек, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш соҳасидаги муносабатларни хуқуқий тартибга солиш масалалари бўйича норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, шунингдек, муносабат билдириш учун тақдим этилган норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан хулосалар тайёрлаш;

маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш соҳаси бўйича халқаро тажриба ва хорижий қонунчиликни доимий ўрганиш, ўрганиш натижаларини Ўзбекистон Республикаси шароитларида жорий этишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида таклифлар ишлаб чиқиш;

маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг амалга оширилишини таъминлашдаги



долзарб масалалар бўйича семинарлар, давра сухбатлари, конференциялар, симпозиумлар ҳамда бошқа тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш;

геральдика масалалари бўйича халқаро тажрибани ўрганиш, шунингдек, мукофотлаш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Департамент қонунчилик хужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Департаментнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги Департамент ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажаришда қуидаги ҳуқуқларга эга:

ваколатига кирадиган масалалар бўйича давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва бошқа муассасаларнинг базалари (шу жумладан электрон базалари)дан ахборот, статистик ва бошқа материалларни сўраш ҳамда олиш;

бошқарув қарорларни қабул қилиш, ахборот-таҳлиллар ва ҳисобот маълумотларини тайёрлаш учун ички ишлар органлари таркибий ва ҳудудий бўлинмаларидан зарур бўлган хужжатларни (уларнинг нусхаларини), маълумотлар ва бошқа материалларни сўраш ва олиш;

бошқарув қарорларини ишлаб чиқишида, ИИВ ҳайъатида ва тезкор йиғилишларда кўриб чиқилиши учун ахборот-таҳлиллар ва бошқа хужжатларни тайёрлашда ИИВ тегишли соҳавий хизматларини ўрнатилган тартибда жалб этиш;

кадрлар билан ишлаш бўлинмалари хужжатлари ва материаллари билан танишиш, уларнинг ижроси юзасидан зарур бўлган маълумотларни олиш;

ўз ваколатларига кирувчи масалалар бўйича ички ишлар органлари ходимлари иш юритувидаги материаллар ва уларга нисбатан ўтказилган ёки ўтказилаётган хизмат текширувлари материаллари ҳамда бошқа хужжатлар билан танишиш;

кадрлар билан ишлаш бўлинмалари юклangan вазифаларни амалга ошириш мақсадида ички ишлар органларининг маълумотлар базасидан фойдаланиш;

ички ишлар органлари ходимлари ва хизматга қабул қилинаётган номзодларни ўрганиш учун тегишли соҳавий хизматлардан зарур маълумотларни талаб қилиб олиш;

ички ишлар органларига соҳага оид бажарилиши мажбурий бўлган бошқарув қарорлари ва топшириқлар бериш;

кадрлар билан ишлаш бўлинмаларининг моддий-техник таъминотини яхшилаш, ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича таклифларни киритиш;



ички ишлар органларида қонунийлик ва хизмат интизомига риоя этилиши ҳолатини текшириш, ходимларнинг формали кийим бошини белгиланган тартибда кийиб юришлари, хизмат автотранспорт воситаларини бошқаришда белгиланган меъёрларга амал қилинишини назорат қилиш мақсадида республика ҳудудида патруль-текширувларини олиб бориш;

кадрлар билан ишлаш бўлинмаларида қонунчилик ва ҳуқукни қўллаш амалиётини такомиллаштириш масалалари бўйича белгиланган тартибда таклифлар киритиш;

давлат ва идоравий мукофотларга муносиб номзодларни аниқлаш ва уларни мукофотлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирига таклифлар киритиш;

мукофотлаш ишларига масъулиятсизлик билан ёндашган, номзодларни тақдим этишда холислик тамоилига риоя этмаган ички ишлар раҳбарлари ва ходимларига нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш бўйича таклифлар киритиш.

Департамент қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.



Департамент қўидаги мажбуриятларга эга:

ўз ваколатлари доирасида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўриш;

ички ишлар органларида маънавий-маърифий, кадрлар сиёсатини амалга ошириш, таълимни ташкил этиш, жисмоний ва жанговар тайёргарлик, тиббий хизмат кўрсатишда қонунийлик, очиқлик ва шаффоффлик принципларига амал қилиш;

ички ишлар органларида маънавий-маърифий ҳамда тарбиявий ишларни самараали ташкил этиш, шахсий таркиб ўртасида қонунийлик ва хизмат интизомини мустаҳкамлаш чораларини кўриш;

ички ишлар органлари музейлари, кутубхона ва ахборот-ресурс марказларининг фондини бойитиш, шахсий таркиб ўртасида китобхонлик маданиятини юксалтириш чораларини қўриш;

шахсий таркибни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларни психологик таъминлаш чораларини қўриш;

кадрлар билан ишлаш бўлинмаларининг иш фаолияти ҳақидаги зарур маълумотларни тайёрлаш ва ИИВ раҳбариятига тақдим этиш.

Департамент қонунчилик хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Департамент ўзига юклатилган вазифа ва функцияларнинг самарали бажарилиши учун жавобгардир.

Департамент фаолиятини ташкил этиш. Департаментга Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ўринbosари — Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти бошлиғи раҳбарлик қиласди.

Департамент бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган уч нафар ўринbosарга эга.

Департамент бошлиғи:

Департамент ишини ташкил этади ва фаолиятига раҳбарлик қиласди;

Департаментга юклатилган вазифалар, функциялар ва мажбуриятларнинг лозим даражада бажарилиши учун шахсан жавобгар бўлади;

ўз ўринbosарлари ва Департаментнинг мустақил бошқарма (бўлим) бошлиқларининг функционал мажбуриятларини белгилайди, уларга юклатилган мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қиласди;

Департаментнинг иш режалари ва ходимларнинг функционал мажбуриятларини тасдиқлайди;

кадрлар билан ишлаш бўлинмалари раҳбарларининг ҳисботларини эшитади;

кадрлар билан ишлаш бўлинмалари, идоравий тиббиёт, соғломлаштириш ва таълим муассасалари фаолиятини бевосита, шунингдек, тегишли равишда ўз ўринbosарлари орқали назорат қиласди;

кадрлар билан ишлаш бўлинмаларининг ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари билан ҳамкорлигини мувофиқлаштиради;

кадрлар билан ишлаш бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш ва ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари билан ҳамкорлигини таъминлаш масалалари бўйича бўйруқ ва фармойишлар лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирига киритади;

Департамент ходимларига, шунингдек, ИИВ ихтиёрида қолдирилган ходимларга белгиланган тартибда йиллик асосий ва қўшимча меҳнат таътиллари беради;

Департамент ходимларини хизмат сафарларига юборади;

ИИВнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари фаолиятига оид масалаларни ўрганиш ва текширувлар ўтказилишини ташкил қиласди;

текширувлар ва уларнинг натижалари бўйича таклифлар, шунингдек, норматив-ҳуқуқий, услугбий, ахборот-таҳлил хужжатларини

тайёрлашга ўрнатилган тартибда ИИВнинг таркибий ва худудий тузилмалари ходимларини сафарбар этади;

давлат ҳокимияти органларида, вазирликлар, идоралар, ташкилотлар ва муассасаларда Департамент ваколатига кирадиган масалалар бўйича ИИВ номидан иш қўради;

ходимларни ваколати доирасида маҳсус ва ҳарбий унвонларга тавсия этади, мукофотлайди, интизомий жазолар қўллади;

кадрлар билан ишлаш бўлинмалари фаолиятини бевосита ва ўз ўринbosарлари орқали назорат қиласди;

маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш соҳасида ички ишлар органларининг барча шахсий таркиби томонидан бажарилиши мажбурий бўлган ҳужжатлар қабул қиласди;

ўз ваколати доирасида тааллуқли масалаларда буйруқ ва фармойишлар қабул қиласди;

ички ишлар органларига кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва бошқа лавозимга ўтказишни таъминлайди ва ташкил этади;

ўз ваколати доирасида ИИВ марказий аппаратининг ишчи ва хизматчиларини ишга, бўлим бошлиғигача бўлган ходим ва ҳарбий хизматчиларни сафдорлар, сержантлар ҳамда офицерлар таркиби лавозимларига хизматга қабул қиласди, лавозимга тайинлайди ва ички ишлар органларидан бўшатади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича кадрлар билан ишлаш бўлинмалари ходимларининг хатти-харакатлари қонунга мувофиқлигини, шунингдек, содир этилган қонун бузилиши ҳолати ўрнатилган тартибда текширилишини таъминлайди;

соҳа фаолиятига тааллуқли республика комиссиялари ва кенгашларига раислик қиласди ва Департаментнинг бошқа комиссиялари ишини назорат қиласди;

ички ишлар органлари тизимидағи мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда болалар соғломлаштириш оромгоҳларига ходимларнинг фарзандларини жойлаштириш учун йўлланмалар бериш фаолияти устидан назоратни амалга оширади;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

Департамент бошлиги Департаментга юклатилган қўйидаги асосий вазифаларни самарали амалга оширилишини ташкил этади ҳамда шахсан назорат қиласди:

ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепциясини амалиётга узлуксиз татбиқ этиш;

ходимларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг самарали тизимини ташкил этиш;

ходимлар ўртасида маънавий-тарбиявий тадбирларни олиб бориш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, рағбатлантириш ва мукофотлашга доир ҳужжатларни кўриб чиқиш, хизмат интизоми ва қонунийликни мустаҳкамлаш чораларини кўриш;

ички ишлар органлари фаолиятини психологик жиҳатдан таъминлаш;

ходимларнинг хизмат ўташларини ташкиллаштириш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг захирасини шакллантириш ҳамда кадрлар таркиби сифатини яхшилаш;

ходимларнинг хизмат ўташларини қайд қилиш ҳамда маҳсус ва ҳарбий унвонлар бериш;

ИИВнинг таркибий ва худудий тузилмаларининг манавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш фаолиятини мувофиқлаштириш, уларга ташкилий-услубий ёрдам кўрсатиш, фаолиятга оид ҳисботларни юритиш ҳамда таҳлил қилиш;

кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш, ходимларнинг касбий, жанговар ва жисмоний тайёргарлигини ошириш, соғлигини сақлаш;

идоравий таълим, спорт-соғломлаштириш ва тиббиёт муассасаларининг самарали фаолиятини ташкил этиш.

Департамент бошлиги Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирига қўйидағилар тўғрисида таклифлар киритади:

ходимларни интизомий жазолаш, идоравий мукофотлар билан тақдирлаш, шунингдек, уларни давлат мукофотларига тақдим этиш;

ички ишлар органлари таркибий ва худудий бўлинмалари ходимлари, ишчи ва хизматчиларининг чекланган сонига ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондига ўзгартириш киритиш;

ички ишлар органлари таркибий ва ҳудудий бўлинмалари тузилмасига ва штатлар сонига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

ўз ўринбосарлари, Департамент таркибий ва худудий бўлинмалари бошлиқларини, шунингдек, ходимларни ИИВ номенклатураси (рўйхати)га кирувчи лавозимларга тайинлаш ва озод этиш, шунингдек, ички ишлар органларининг бошлиқлар таркибига кирувчи ходим ва ҳарбий хизматчиларни ички ишлар органларидан бўшатиш;

ички ишлар органлари фаолиятини яхшилаш ҳамда бевосита зиммасига юклатилган вазифаларни самарали ташкил этиш, соҳада ислоҳотларни амалга ошириш.

Департамент хизматлари бошлиқлари:

жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари қабулини амалга оширади, шикоят, ариза ва таклифларни кўриб чиқади, улар юзасидан қарорлар қабул қиласди;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича кадрлар билан ишлаш бўлинмалари ходимларининг хатти-харакатлари қонунга мувофиқлигини, шунингдек, ходимлар томонидан қонун бузилиши ҳолатларининг ўрнатилган тартибда текширилишини таъминлайди;

раҳбарлик қилаётган хизматнинг ишини ташкил этади, шахсий таркибининг хизмат ва меҳнат интизомига риоя этишини таъминлайди, иш режаларини тасдиқлади;

хизмат бошлиғи ўринбосарларининг функционал мажбуриятларини белгилайди, улар зиммасига юклатилган мажбуриятларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;

ўз ваколати доирасида кадрлар билан ишлаш бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш масалалари бўйича шарҳ ва методик тавсиялар чиқаради, шахсий таркиби томонидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатма лойиҳаларини Департамент бошлиғига киритади;

раҳбарлик қилаётган хизматда кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва лавозимга ўтказиш, хизмат сафарларига юбориш масалалари бўйича Департамент бошлиғига таклиф киритади;

раҳбарлик қилаётган хизмат ходимларига махсус увонлар бериш, рағбатлантириш, шу жумладан, мукофотлаш ҳамда уларга интизомий жазолар қўллаш тўғрисида Департамент бошлиғига тақдимномалар киритади;

раҳбарлик қилаётган хизмат ходимларига таътил беради;

ўзига бўйсунувчи кадрлар билан ишлаш бўлинмалари фаолияти устидан бевосита ва ўз ўринbosарлари орқали назоратни амалга оширади, шунингдек, тегишли раҳбарларнинг ҳисоботларини эшитади;

Департамент бошлиғининг топшириғига биноан давлат, шу жумладан, ҳукуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларнинг расмий тадбирларида иштирок этади;

Департаментда ўрнатилган тартибда сафарбарлик тайёргарлигини ташкил этади, шунингдек, фуқаро муҳофазаси бўйича тадбирларнинг бажарилишини таъминлайди;

Департаментда маҳфийлик тартиботига риоя этилиши, шу жумладан, ахборотларни техник ҳимоялаш бўйича тадбирларнинг ташкил этилиши учун жавоб беради;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Департамент бошлиғи бўлмаган тақдирда унинг вазифаларини ўринbosарларидан бири бажаради.

Куйидагилар:

а) Департамент бошлиғининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади:

Департаментнинг таркибий бўлинмалари ва унга бевосита бўйсунувчи бўлинмаларнинг раҳбарлари;

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ички ишлар органлари раҳбарларининг ўринbosарлари — маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш хизмати бошлиқлари;

б) тегишлича ИИВ департаментлари, ҳарбий тузилмалари, таълим, ўқув ва тибиёт муассасаларининг раҳбарлари Департамент бошлиғининг кўшма тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади:

тегишлича ИИВ департаментлари, кўмандонлик, таълим, ўқув ва тибиёт муассасаларининг маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш хизматлари раҳбарлари;

в) тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ички ишлар органлари раҳбарлари Департамент бошлиғининг кўшма тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади:

туман ва шаҳарлар ички ишлар органлари раҳбарларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринbosарлари;

г) Департамент бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади:

Департаментнинг ходимлари;

д) Департамент билан келишилган ҳолда тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ички ишлар

органлари раҳбарлари томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади:

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ички ишлар органлари маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш хизматлари таркибидаги бўлинмалар раҳбарлари;

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ички ишлар органлари раҳбарларининг ўринbosарлари — маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш хизмати бошлиқларининг мукофотлаш масалалари ва кадрлар тайёрлаш бўйича ёрдамчилари.

Департамент фаолияти устидан назорат Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан амалга оширилади.

Иш юритиш ва махфийлик тартиботини ташкил этиш ва таъминлаш бўйича чора-тадбирлар Департамент томонидан белгиланган тартибда мустақил равиша амалга оширилади.

Кадрлар билан ишлаш бўлинмаларини қурол-аслача ва бошқа моддий-техника воситалари билан таъминлаш белгиланган тартибда амалга оширилади.

Мустақил таълим учун топшириқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги 10-сон қарорини ўқиб ўрганиш ва конспектлаштириш.

2. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси билан танишиш ва конспектлаштириш.

1.2.МАВЗУ: ИИОЛАРИНИ ХАЛҚЧИЛ ПРОФЕССИОНАЛ ТУЗИЛМАГА АЙЛАНТИРИШ ВА АҲОЛИ БИЛАН ЯНАДА ЯҚИН ҲАМКОРЛИКДА ИШЛАШГА ЙЎНАЛТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

Семинар машғулот (2 соат)

Ушбу семинар машғулоти «*Блиц-сўров*» интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

«Блиц-сўров» (инглизча «бліц» – тезкор, бир зумда) методи берилган саволларга қисқа, аниқ ва лўнда жавоб қайтарилишини тақозо этадиган метод саналади. Таълим муассасаларида ушбу методга мувофиқ саволлар, асосан, ўқитувчи томонидан берилади. Берилган саволларга жавоблар жамоавий, гурухли, жуфтлик ёки индивидуал тарзда қайтарилиши мумкин. Жавоб қайтариш шакли машғулот тури, ўрганилаётган мавзунинг муракаблиги, тингловчиларнинг қамраб олинишига кўра белгиланади.

Машғулотларда ушбу методни қўллаш қўйидагича кечади:

**Ўқитувчи ўрганилган мавзу, муайян таркибий қисмлар
моҳиятини очиберишни талаб этадиган саволларни ишлаб
чиқиб, тингловчиларэътиборига ҳавола қиласди**

**Тингловчилар берилган
саволга қисқа муддатда лўнда, аниқ жавоб беради**

**Гурух (жуфтлик)да ишлашда бир нафар тингловчи берилган
саволгажавоб қайтаради, унинг гуруҳдошлари жавобни
тўлдиради (бироқ, фикрлартакрорланмаслиги лозим)**

Ўқув машгулотнинг саволлари:

- 1-савол. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10-сон қарорининг санаси ва тўлиқ номланишини этинг.
- 2-савол. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10-сон қарорининг иловалари ҳақида нималарни биласиз?
- 3-савол. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекснинг бобларини нечта ва уларни тўлиқ айтиб беринг.
- 4-савол. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси Қайси асосий мақсадларга йўналтирилган?
- 5-савол. Қарорга кўра ИИВнинг қайси таклифларига розилик берилди?
- 6-савол. Кодексининг 1-боб. Умумий қоидаларда Кодекси ижросини таъминлаш кимларга таалуқли этиб белгиланди?
- 7-савол. Ходимларга хизмат вақтида ва хизмат кийимида нималар қилиш таъқиқланади ва нималар мумкин эмас ?
- 8-савол. Кодекснинг 5-боб. Ички ишлар органларида касбий маданият ва хизмат интизомини таъминлаш бобида ходимларга нисбатан қайси рағбатлантириш чоралари қўлланилади? Улар нечта харфи билан айтинг.
- 9-савол. Кодексда ходимларга нисбатан қандай интизомий жазо чоралари қўлланилиши мумкин ва уларни санаб беринг?
- 10-савол. Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти тўғрисида низом қачон тасдиқланди?
- 11-савол. Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменталиятини ташкил этиш ҳақида нималарни биласиз?

1-саволга жавоб: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10-сон қарори 2023 йил 20 январда “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари” тўғрисда.

2-саволга жавоб: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10-сон қарорининг иловалари ҳақида нималарни биласиз? Қарор 4 та иловалардан иборат бўлиб, 1-иловаси Ички ишлар ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизом КОДЕКСИ, 2-иловаси ИИВ “Маънавий- маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти тўғрисида НИЗОМ, 3-иловаси ИИОда кадрлар салоҳияти даражасини ошириш бўйича комплекс чоратадбирлар “Йўл харитаси” ва 4-иловаси ПҚ киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар.

3-саволга жавоб: 1-боб. Умумий қоидалар, 2-боб. Ички ишлар органларида касбий маданият қоидалари, 3-боб. ИИОда хизмат интизомига оид талаблар, 4-боб. Ииода бошлиқлар ва ходимларнинг ўзаро муносабатлари, 5-боб. ИИОда касбий маданият ва хизмат интизомини тайинлаш, 6-боб. Бошлиқнинг харакатлари устидан шикоят қилиш. 7-боб. Якуний қоидалар.

4-саволга жавоб: Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси қўйидаги асосий мақсадларга йўналтирилган?

Ички ишлар органлари ходимларини «Инсон қадри учун» тамойили асосида давлатнинг юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, ўз бурчига содик, ватанпарвар ва халқпарвар вакили этиб тарбиялаш орқали ахолининг чинакам розилигига эришиш;

Ички ишлар органлари ходимларида хизмат вазифаларига ҳалол, вижданан, Вatan ва халқ олдидағи бурчини чин дилдан ҳис этган ҳолда, юксак масъулият билан ёндашиш, жамиятда умумэътироф этилган одоб-ахлоқ нормаларига сўзсиз амал қилиш туйғусини шакллантириш;

Ички ишлар органлари содир этилиши мумкин бўлган ножўя хатти-харакатлар, суистеъмолчилик ва коррупция ҳолатларининг барвакт олдини олиш, хукуқ-тартибот тизими обрўсига салбий таъсир кўрсатувчи низоли вазиятларни юзага келтириласлик.

5-саволга жавоб: Қарорга кўра ИИВнинг қўйидаги таклифларига розилик берилди: булар

ИИОда хизматга биринчи марта қабул қилинган ходимларга нисбатан тайинланадиган **дастлабки синов муддатини бир йил** этиб белгилаш;

-худудий ички ишлар органлари эҳтиёжини инобатга олиб, Ички ишлар вазирлигининг **академик лицейлари битирувчилари** учун Ички ишлар вазирлиги Академиясида бакалавриатнинг «Хукуқбузарликлар профилактикаси фаолияти» ва «Тезкор-қидирав фаолияти» таълим йўналишларига, тўлов-контракт асосида ўқитишни назарда тутган ҳолда, **200 нафаргача қўшимча** ҳар йиллик қабул квотасини киритиш.

-интизомий жазо тариқасида лавозимидан озод этилаётган ходимларни бошқа соҳавий тузилмаларга ўтказиш амалиётига чек қўйиб, ўз йўналиши бўйича қўйи бўлинмаларга йўналтириш ёки малакасига баҳо берган ҳолда хизматга лойиқлигини аниқлаш мақсадида **аттестациядан ўтказиш тартибини йўлга қўйсин**;

-2023 йил яқунига қадар мансаб лавозимларини юқори маънавий-ахлоқий, ишчанлик ва касбий сифатларга эга бўлган номзодлар билан тўлдиришни назарда тутган ҳолда, ички ишлар органларида хизматга қабул қилишнинг сифат жиҳатидан янги, соддалаштирилган тартибини ўрнатиш ҳамда **«E-nomzod»** электрон ахборот тизимини яратиш;

-уч ой муддатда ички ишлар органларида малака тоифасини бериш тартиби ва мезонларини танқидий қайта кўриб чиқиб, унда ходимларни касбий билимлари, жанговар ва жисмоний тайёргарлик даражаси, **ахборот технологияларидан фойдалана олиши** ҳамда **Кодекс** қоида ва талабларини ўзлаштирганлиги бўйича синовдан ўтказиш тизимини жорий этсин.

6-саволга жавоб: Кодексининг 1-боб Умумий қоидалар ижроси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари ходимлари ва ИИВ таълим муассасалари курсантлари ва тингловчиларитаалуқли.

7-саволга жавоб: Ходимларга хизмат вақтида ва хизмат кийимида:

-Ходимларга хизмат мажбуриятларини бажариш ва хизмат вақтида ёхуд хизмат кийимида спиртли ичимликлар истеъмол қилиш **тақиқланади**.

- Ходимлар мансаб ваколатларини сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва уларнинг органлари манфаатлари йўлида амалга ошириши **тақиқланади**.

-Ходимларга тадбиркорлик фаолияти субъекти сифатида ёки унинг номидан бу соҳада қонунчилик хужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган фаолият билан шуғулланиши **тақиқланади**.

-Ходимларга тадбиркорлик фаолияти субъектларини ташкил этишга, уларнинг муассиси (иштирокчиси) бўлишга, тадбиркорлик фаолияти субъектида ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини бажаришга рухсат берилмайди, бундан акциядорлик жамиятларининг эркин муомалада бўлган акцияларига қонунчиликда белгиланган талаблар доирасида эгалик қилиш ҳоллари **мустасно**.

-Ходимлар ўз мансаб ваколатини суиистеъмол қилган ҳолда, фуқаролар, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига зарар етказиш орқали шахсий фойда олиши **мумкин эмас**.

-Ходимларга хизмат ваколатларини жисмоний ва юридик шахслар манфаатларини кўзлаб бажариш ёки бажармаслик эвазига улардан ҳар қандай совғалар ҳамда ҳар қандай кўринишдаги моддий бойликларни олиш ёхуд уларнинг **хизматларидан фойдаланиш тақиқланади**. Бундан ходим томонидан алоҳида хизматлари учун давлат органининг тегишли қарори асосида олинган совғалар, шунингдек, мусобақалар ва танловларда эришган ютуқлари, умумхалқ байрамлари, расмий равишда нишонланадиган саналар ҳамда бошқа расмий тадбирлар муносабати билан мукофотлаш натижасида олинган совғалар **мустасно**.

8-саволга жавоб: Кодексининг 5-боб. Ички ишлар органларида касбий маданият ва хизмат интизомини таъминлаш бобида ходимларга нисбатан б та рағбатлантириш бор. Булар:

- а) миннатдорлик эълон қилиш;
 - б) қимматбаҳо ёки эсадалик совғаси ёхуд пул мукофоти билан тақдирлаш;
 - в) фахрий ёрлиқ билан тақдирлаш;
 - г) идоравий кўкрак нишони билан тақдирлаш;
 - д) муддатидан олдин навбатдаги маҳсус унвон бериш;
 - е) эгаллаб турган лавозими билан назарда тутилгандан бир поғона юқори маҳсус унвон беришчоралари қўлланилади.
- 9-саволга жавоб:** Ходимларга нисбатан 8таинтизомий жазо чоралари қўлланилиши мумкин:

- а) танбех;
- б) ҳайфсан;
- в) қаттиқ ҳайфсан;
- г) лавозим маошининг эллик фоизидан кўп бўлмаган миқдорда жарима;
- д) махсус унвонини бир поғона пасайтириш;
- е) эгаллаб турган лавозимидан озод этиш;
- ж) гауптвахтада хибсда ушлаб туриш;
- з) ички ишлар органлари хизматидан бўшатиш.

10-саволга жавоб: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги 10-сон қарорининг 2-иловасида Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти тўғрисида низомтасдиқланди.

10-саволга жавоб: Департаментга Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ўринbosари — Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти бошлиғи раҳбарлик қиласи.

Департамент бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган уч нафар ўринbosарга эга.

Назорат учун саволлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10-сон қарори 2023 йил 20 январда “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорлиқда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари” тўғрисдаги қарори билан танишиш ва конспектлаштириш.

2. ИИОида хизматга биринчи марта қабул қилинган ходимларга нисбатан тайинланадиган дастлабки синов муддатини аввалгиси билан фарқи.

3. Кодексда назарда тутилган бошлиқларнинг ҳаракатлари устидан шикоят қилиш.

4. Ички ишлар органларида касбий маданият қоидалари.

5. Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, йўл-патруль ва патруль-пост хизмати бўлинмалари ходимларини бўйича фуқаролар билан ишлаш модули.

1.3. МАВЗУ: ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ МАЊНАВИЙ-МАЃРИФИЙ “ХОДИМБАЙ”ИШЛАШ ТИЗИМИ

Маъруза (2 соат)

Машғулот режаси:

1-ўқув савол. Ички ишлар органларида мањнавий-маѓрифий, тарбиявий-профилактик ишларни ташкил этиш бўйича яратилган “Ходимбай” ишлаш тизимининг хуқуқий асослари.

2-ўқув савол. Ички ишлар органларида “ходимбай” ишлаш тизими ва унинг амалдаги аҳамияти.

1-ўқув савол. Ички ишлар органларида мањнавий-маѓрифий, тарбиявий-профилактик ишларни ташкил этиш бўйича жорий этилган “Ходимбай” ишлаш тизимининг хуқуқий асослари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ-5050-сон қарори билан “Ички ишлар органларида мањнавий-маѓрифий ишларни ташкил этиш концепцияси” амалиётга татбиқ этилди ва тизимда кадрлар сиёсатини олиб боришининг янги тартиби жорий қилинди.

Қарорнинг З-иловаси, яъни “**Ички ишлар органларида мањнавий-маѓрифий ишларни ташкил этиш концепцияси**”нинг 4-боб. Мањнавий-маѓрифий ишларни амалга ошириш йўналишларидан бири Тарбиявий ишлар доирасида оилавий-маиший тарбия доирасида ходимларнинг оила аъзолари билан узвий боғлиқлигини таъминлаш, улар томонидан ходимларга касбий бурчини бажаришга руҳий кўмаклашишга қаратилган тадбирлар ўтказиш, якка-тартибдаги тарбиявий ишлар ходимларда касб учун зарур бўлган шахсий фазилатларни шакллантириш ва психологик фаолият ходимларнинг руҳий ҳолатини кузатиш ҳамда уларнинг шахсий фазилатлари ва жамоадаги муносабатларини касбий бурчини самарали бажаришга йўналтириш ҳамда ижтимоий-хуқуқий фаолият ходимлар, фахрийлар ва уларнинг оила аъзоларининг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, уларга ҳар томонлама моддий ва мањнавий кўмаклашишга қаратилган тадбирлардан иборатлиги белгилаб ўтилган.

Концепцияда мањнавий-маѓрифий ишлар ички ишлар органлари шахсий таркиби билан ишлаш соҳасининг устувор йўналиши сифатида ходимлар ўртасида тарбиявий ва тарғибот ишларини, психологик ҳамда ижтимоий-хуқуқий фаолиятни ва маданий тадбирларни ўтказиш белгиланган бўлиб, унда шахсий таркиб билан мањнавий-маѓрифий

ишларни самарали ташкил қилишда натижадорликка эришиш учун “ходимбай” ишлаш тизимини жорий этиш белгилаб берилган.



«Ходимбай» ишлаш тизими асосида ходимлар ҳамда оила аъзоларининг яшаш шароити ва ҳолати ўрганилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг **2021** йил **21 октябрдаги 400-сон буйруғининг** 1-иловаси “Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишлар фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низомининг 26-бандида айнан барча даражадаги бошлиқ (командир)лар ходимларининг яшаш жойига бориб ўрганишлари унда оила аъзолари билан танишиш, ходимнинг яшаш шароити ва ижтимоий аҳволини, оиласидаги маънавий-руҳий муҳит (турмуш ўртоғи ва фарзандлари, ота-она, aka-ука ва опа-сингиллари орасидаги муносабатлар, оилавий низолар)ни, худудий профилактика инспектори ва маҳалла (овул) фуқаролар йигини фаолларининг ходим ҳамда унинг оила аъзолари ҳақидаги фикрларини ўрганиш ҳамда ходимнинг яшаш жойидан олинган барча маълумотларни таҳлил қилиши аниқ кўрсатиб берилган.

Шунингдек, **Якка тартибдаги маънавий-маърифий ишлар журналиниң 1-бўлимида** (ходимни ижтимоий ҳимоялаш, муаммосини бартараф этиш, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, бошқа лавозимга ўтказиш, ходимнинг фаолиятини алоҳида назоратга олиш, қониқарли деб топиш ҳақида) холосасиқайд этилади.

Низомининг 27-бандида эса барча даражадаги бошлиқ (командир)лар томонидан хавфгуруҳидагиҳар бир ходимга нисбатан Маънавий-маърифий ва ижтимоий-хуқуқий ҳимоя ишларини ўтказиш бўйича йигмажилд юритилиши унда ходимнинг оила аъзолари ва ижтимоий аҳволи тўғрисидаги маълумотнома, ходимнинг тушунтириш хатлари, расмий

огоҳлантириш, ходимнинг ўзи билан ҳамда оила аъзолари иштирокида ўтказилган сұхбатлар қайд этилган сұхбат варақаси ёки далолатнома, бошқа зарур материаллар жамланиб борилади. Ходим бошқа лавозимга тайинланганида, унинг Маънавий-маърифий ва ижтимоий-хуқуқий ҳимоя ишларини ўтказиш бўйича йигмажилди ички ишлар органи бошлиғи томонидан ходим тайинланган ички ишлар органига юборилади.

Низомнинг 4-5-бобларида ҳам Ички ишлар органлари ходимлари билан мунтазам ишларни олиб боришида уларга инивидуал ёндашган ҳолда ходимларни хизмат кўрсаткичига қараб рағбатлантириш ёки хизматдаги камчиликлари учун интизомий жазолаш каби ишлар Интизомий кенгашларда муҳокамадан ўтказилиши аниқ кўрсатиб ўтилган.



Жумладан, **Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2021 йил 30 майдаги 2/2110-сон кўрсатмаситалабларига асосан ички ишлар органларида “Ходимбай” ишлаш тизими жорий этилди.**

Шу билан биргаликда Ички ишлар органларида **“маънавият ва билим – инсон қадри ҳимоячисининг яширин қуроли”** ғоясини бош мақсад сифатида белгилаб, ушбу соҳадаги ишларни манзилли ташкил этиш орқали изчил ривожлантириш, Концепциянинг устувор вазифа ва йўналишларини амалиётга янада кенг татбиқ қилиш ҳамда кадрлар сиёсатини олиб боришида 2022 йилда амалга ошириладиган вазифалар стратегиясини тасдиқлаш мақсадида Ички ишлар Вазирининг 2022 йил 15 феврал кунидаги **“Ички ишлар органларида маънавий-маърифий, таълим-тарбия ҳамда кадрлар билан таъминлаш соҳасидаги ишларни 2022 йилда жадал ривожлантиришга оид манзилли чора-тадбирлар тўғрисида”ги 34-сон бўйруғи имзоланди.**

Бўйруқда **“Ички ишлар органларида маънавий-маърифий, таълим-тарбия ҳамда кадрлар билан таъминлаш соҳасидаги ишларни**

2022 йилда жадал ривожлантиришга оид вазифалар Стратегияси” илова қилинган бўлиб, ундаги Низом боб, 34 банддан иборатdir.

Айнан Стратегиянинг 2-боб. Маънавий-маърифий ишлар йўналишида Маънавий-маърифий ишлар йўналишидаги айrim бандларида:

а) тарбиявий ишларни жадаллаштириш: ҳудудлар ва соҳаларнинг хизмат хусусияти ҳамда тартиб интизом бузилиши ва коррупцион ҳолатларнинг эҳтимолий даражасидан келиб чиқсан ҳолда маънавий-маърифий, тарбиявий-профилактик ишларни ташкил этиш бўйича “Худудбай”, “Соҳабай”, “Ходимбай” ишлаш методикаларини яратиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш;

в) психологик фаолият унумдорлигини ошириш: психологик фаолиятни танқидий кўриб чиқиб, соҳани ривожлантириш, тизимдаги 72 нафар психологлар учун “ходим психолог ҳузурига эмас – психолог ходим ҳузурига” тамойили асосида “ходимбай” ишлаш тизимини жорий этиш;



-барча туман (شاҳар) ички ишлар органларида руҳий енгилланиш хоналарини ташкил этиб, самарали фаолият юритиши устидан қатъий назорат ўрнатиш; 673 нафар хавф гуруҳидаги ходимлар билан психолог мутахассисларнинг диагнози ва тавсиялари асосида мақсадли тарбиявий-профилактик тадбирларни ташкил этиш; -“Ходимбай” ишлаш тизими асосида нотинч оиласларни аниқлаб, психологлар томонидан оиласлар мухитни соғломлаштириш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш; психолог ходимлар томонидан ҳар бир ички ишлар органларида мухитни ўрганиш орқали носоғлом жамоадаги мухитни соғломлаштириш чора-тадбирларини белгилаш;

г) ижтимоий ҳимоя фаолиятини ривожлантириш: ходимларни ижтимоий ҳимоя қилишга доир барча қонуности ҳужжатлар нормаларини ягона ҳужжатда тизимлаштириш; “Ходимбай” ишлаш тизими асосида

аниқланган ижтимоий кўмакка муҳтоҷ ходимлар базасини шакллантириб, уларнинг оиласидаги муаммоларини ҳал қилишга қўмаклашиш;


Шунингдек, мазкур буйруқнинг “Ички ишлар органларида маънавий-маърифий, таълим-тарбия ҳамда кадрлар билан таъминлаш соҳасидаги ишларни 2022 йилда жадал ривожлантиришга оид манзилли чоратадбирларни амалга ошириш бўйича йўл харитасининг **Маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш йўналишининг 1, 11, 16-бандлари** айнан “Ходимбай” ишлаш тизими бўйича қилиниши лозим бўлган ишлар хақида сўз юритилган.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг **2022 йил 14 март кунидаги “ИИВнинг айрим ҳудудий ички ишлар органларида маънавий-руҳий муҳит аҳволини ўрганиш ва ишчи гурух таркибини тасдиқлаш тўғрисида”**ги **Фармойиши** ижрога қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг **2022 йил 07 июнь** кунидаги **“Ички ишлар органлари шахсий таркиби ўртасида хизмат интизоми ва қонунийликка риоя этилишини мустаҳкамлаш ҳамда “Темир интизом ва ҳалоллик-муваффақият қалити”** шиори остида **“Интизом ойлиги”**ни ўтказиш тўғрисида”ги **135-сонли** ҳамда ИИВнинг 2021 йил 01 октябрь кунидаги **209-сонли фармойишлиарига** асосан вилоят,

шаҳар ИИБларида ҳам **“Интизом ойлиги”** давомида **“Ходимбай”** ишлаш тизими асосида самарали ишлар олиб борилмоқда.

Қарор билан ички ишлар органлари хизматига номзодларни қабул қилиш, кадрларни тайёрлаш, уларни ўқитиши, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, таълим сифатини кўтариш, илмий ҳамда психологик фаолиятни ривожлантириш, жанговар ва жисмоний тайёргарлик даражасини юксалтириш ҳамда хизмат ўташ масалаларида соҳани рақамлаштириш бўйича ҳам катта


ва албатта,
ўзгаришларга кўл урилди.

Энди бевосита қарор мазмунига тўхталадиган бўлсак, “Ички ишлар органларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси” ички ишлар органлари тарихида илк бор қабул қилинмоқда. Унга қадар фаолиятимизда факат **“Ички ишлар органларининг интизом устави”**га амал қилиб келинган. Ушбу уставнинг асосий предмети ходимларни рағбатлантириш ва интизомий жазолаш фаолиятини тартибга солишдан иборат бўлган.

Янги қабул қилинган кодекс ходимларни маънавиятли, садоқатли, ҳалқпарвар этиб тарбиялаш, уларда ҳалоллик, юқори масъулият ҳамда одоб-ахлоқ нормаларига сўзсиз риоя этиш ҳиссини шакллантириш, ножўя ҳаракатлар ва коррупцион ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган.

Шунингдек, кодекс — касбий маданият қоидлари, унга амал қилиш мажбурияти, ходимларнинг хизматдан ташқари вақтдаги одоби, хизмат интизоми талаблари, раҳбар ва ходимнинг ўзаро муносабати, бошлиқнинг мажбурияти ҳамда рағбатлантириш ва интизомий чоралар қўллаш

тартибларини ўз ичига олган. Кодекс талабларига бўйсунмаслик эса хизматдан бўшатишгача бўлган қатъий чораларни қўллашга асос бўлади.

Шунингдек, барча даражадаги раҳбарлар кодекс талабларининг бажарилишига қаратилган маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни амалга ошириш бўйича шахсан жавобгар эканлиги кўрсатиб ўтилди. Шу билан бирга, эндиликда ходимлар дастлабки синов муддати даврида кодекс қоидалари ва талабларини бузган ҳолларда уларга бириктирилган мураббийлар айблилик даражасидан келиб чиқиб, эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган интизомий жазога тортилади. Шу тариқа мураббийлар масъулияти кескин оширилади.

2-ўқув савол: Ички ишлар органларида “ходимбай” ишлаш тизими ва унинг амалдаги аҳамияти.

Ички ишлар вазири Пўлат Бобожонов томонидан берилган топшириқлар ижросини таъминлаш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев раислигида **2021 йилнинг 12 февраль** куни Ички ишлар вазирлиги Ҳайъатининг кенгайтирилган тарзда ўтказилган йиғилиши баёнининг тегишли бандлари ижроси юзасидан барча Ички ишлар органлари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди.

2021 йилнинг 18 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида маҳалла ва оила муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ҳамда ҳал этиш масалаларига бағишилаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш бўйича вазифалар мухокама қилинди.

Давлат раҳбари “Вазир ва унинг ўринбосарлари, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари амалий ишлар ва натижадорликка ўтиши керак. Бунинг учун барча ресурс, ваколат ва шароит қилиб берилди. Бундан кейин масъуллардан маҳаллабай аниқ натижা сўралиши ва ҳар бир оила билан манзилли ишлайдиган, уларни қўллаб-қувватлайдиган янги тажриба яратиш зарур”лигини таъкидлади.

Мазкур йўналишда Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг кўрсатмаси асосида Ички ишлар органларида амалга оширилаётган ишларнинг ахволини танқидий ўрганиб бориш ва амалий ёрдам кўрсатиш ҳақида фармойиш ишлаб чиқилди. Олиб борилаётган ишларнинг бугуни ахволини яқиндан ўрганиш мақсадида Ички ишлар бошқармалари **маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан бошқармаси масъул ходимлари** томонидан тузилган ишчи гурухлар туман ИИБлариаги ишларни ўрганиб келишмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг **2022 йил 07 июнь** кунидаги “Ички ишлар органлари шахсий таркиби ўртасида хизмат интизоми ва қонунийликка риоя этилишини мустаҳкамлаш ҳамда “Темир интизом ва ҳалоллик-муваффақият қалити” шиори остида “Интизом ойлиги”ни ўтказиш тўғрисида”ги 135-сонли ҳамда ИИВнинг 2021 йил 01 октябрь кунидаги 209-сонли фармойишларига асосан вилоят, шаҳар

ИИБларида ҳам “Интизом ойлиги” давомида “Ходимбай” ишлаш тизими асосида самарали ишлар олиб борилмоқда.



б) тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш:



-ёшлар, тажрибали ходимлар ҳамда фахрийлардан иборат “Маънавият тарғиботчилари карвони”ни ташкил этиб, барча ички ишлар органларида “Маънавият ва маърифат ойлиги”ни ўтказиш;

в) психологик фаолият унумдорлигини ошириш:

-психологик фаолиятни танқидий қўриб чиқиб, соҳани

ривожлантириш, тизимдаги 72 нафар психологлар учун “ходим психолог ҳузурига эмас – психолог ходим ҳузурига” тамойили асосида “ходимбай” ишлаш тизимини жорий этиш;

-барча туман (шаҳар) ички ишлар органларида руҳий енгилланиш хоналарини ташкил этиб, самарали фаолият юритиши устидан қатъий назорат ўрнатиш;

-673 нафар хавф гуруҳидаги ходимлар билан психолог мутахассисларнинг диагнози ва тавсиялари асосида мақсадли тарбиявий-профилактик тадбирларни ташкил этиш;

-“Ходимбай” ишлаш тизими асосида **нотинч оиласларни** аниқлаб, психологлар томонидан оиласларни мухитни соғломлаштириш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш;

-психолог ходимлар томонидан ҳар бир ички ишлар органларида мухитни ўрганиш орқали носоғлом жамоадаги мухитни соғломлаштириш чора-тадбирларини белгилаш;

-ички ишлар органларидағи 1 360 нафар раҳбар учун “Раҳбар маънавияти”, “Раҳбарнинг бошқарув маданияти” ва “Раҳбар психологияси” мавзуларида сайёр семинар-тренинглар ташкил этиш;



г) ижтимоий ҳимоя фаолиятини ривожлантириш:

-ходимларни ижтимоий ҳимоя қилишга доир барча қонуности хужжатлар нормаларини ягона хужжатда тизимлаштириш; “Ходимбай” ишлаш тизими асосида аниқланган ижтимоий кўмакка муҳтож ходимлар базасини шакллантириб, уларнинг оиласидаги муаммоларини ҳал қилишга кўмаклашиш;

масаласидаги **-электрон** қабул қилиш тизимини тўлиқ ишга тушириш орқали адолатли ва шаффоф ижтимоий ҳимоя тизимини яратиш;

-ходимларнинг фарзандларига мактабгача таълим ташкилоти ва соғломлаштириш **оромгоҳларига йўлланмалар** ажратилишини доимий назорат қилиб бориш;

-хизматда юқори натижаларга эришаётган ходимларни **рағбатлантириш** борасидаги кўрсаткични 9 мингга етказиш;

-идоравий **тиббий муассасаларда** бириктирилган контингентга кўрсатилаётган ижтимоий тиббий хизмат сифатини доимий таҳлил қилиб бориш, ходимларга қулайлик яратиш ва шароитларни янада яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

-ҳар чоракда бир маротаба ходимларнинг оила аъзолари билан биринчи раҳбарлар томонидан **сайёр оммавий қабуллар** ташкил этиш ва уларнинг муаммоларига ечим топишга кўмаклашиш; ижтимоий кўмакка ва эътиборга муҳтож ёлғиз, кекса ёшдаги фахрийларни аниқлаш ва уларнинг ҳолидан хабар олиш учун масъул ходимлар бириктириш.



д) маданий-маърифий тадбирлар йўналишидаги ишларни қуидагиларни амалга ошириш орқали мазмунан бойитиш:

-шахсий таркиб ўртасида “Намунали оила” – туман, вилоят ва республика даражасида кўрик-танловлар ўтказиш; ички ишлар органларида “Китобхон оила” кўрик-танловини ўтказиш; ходимларни ҳар чоракда камида бир маротаба тарихий обидалар, зиёратгоҳлар, музей ва театрларга боришлигини ташкил этиш.

Юқорида келтирилиб ўтилган чора-тадбирларнинг айримлари ўтган 2022 йилда ўз ижросини таъминлаб келди ҳамда 2023 йилнинг 1-чорак давомида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Жумладан, бугунги ички ишлар органларида “Темир интизом ва ҳалоллик-муваффақият калити” шиори остида ўтказилаётган “Интизом ойлиги” давомида ходимларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда ҳамда уларни тизимда профессионал кадр бўлиб етиши учун маънавий-маърифий, маданий, тарбиявий тадбирлар жадаллик билан ўтказилмоқда.



Мазкур жараёнларда фаол қатнашиб келаётган ИИБ бошлигининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринbosарлари томонидан “Интизом ойлиги” доирасида “Ходимбай” ишлаш тизимиға асосан қўл остидаги шахсий таркибнинг яшаш хонадонлари, хизмат фаолияти, жисмоний-жанговар ҳолатини ўрганиб, улар билан мунтазам равища индивидуал тарбиявий суҳбатлар ўтказилмоқда, ходимлар томонидан **хизмат ва шахсий автотранспорт воситаларини бошқариш қоидаларига риоя қилишларини назорат тартибида текшириб**, хизмат ва қонун бузилиш ҳолатларини олдини олишга қаратилган маънавий-маърифий, маданий ҳамда тарбиявий йўналишларда ўтказилаётган тадбирларда шахсий намуна кўрсатиб келинмоқда.



Жумладан, “Интизом ойлиги”да “Ходимбай ишлаш” тизимиға асосланиб, барча шахсий таркибнинг оиласини, хизмат фаолиятини ўрганиб, уларда юзага келган муаммоларни ўз жойида бартараф этишда ташаббус кўрсатилиб, ўзининг билим ва тажрибаси асосида уларга йўл йўриқ кўрсатиб келаётгани барча ходимларда илиқ таассурот уйғотмоқда.



“Интизом ойлиги” давомида ички ишлар органларида ходимлар учун спорт машғулотлари, мусобақалар ташкил этилиши билан биргаликда уларни билим савиясини оширишга қаратилган интеллектуал үйинлар, очиқ давра сұхбатлари ва баҳс-мунозаралар ҳам үтказилмоқда.

Ташкил этилаётган бу каби маънавий-маърифий тадбирлар ички ишлар органлари ходимларини ўз соҳасининг ҳар томонлама етук мутахассиси бўлишига хизмат қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2022 йил 14 март кунидаги “ИИВнинг айрим ҳудудий ички ишлар органларида маънавий-руҳий муҳит аҳволини ўрганиш ва ишчи гурӯҳ таркибини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида, ИИВ Маънавий-маърифий ишлар ва Кадрлар билан таъминлаш департаменти масъул ходими вилоятларнинг ИИБ Маънавий-маърифий ишлар ва Кадрлар билан таъминлаш хизмати, Маънавий маърифий ишлар бўлими психологияк таъминлаш гурӯҳи томонидан, хизмат жамоаларида маънавий-руҳий муҳит ва ходимлар ўртасидаги муносабатлар, мазкур жамоаларда соғлом маънавий-руҳий муҳитни шакллантириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан;



хизматга бўлган

-шахсий таркиб ўртасида рўй бериши мумкин бўлган салбий ҳолатларнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиш, ходимларнинг ислоҳотлар жараёнидаги ўзгаришлар ва

муносабатини ўргатиш;

- ҳудуддий ички ишлар органларининг мутахассис-психологлари томонидан амалга оширилган ишлар аҳволини ўрганиш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича амалий ёрдамлар кўрсатилмоқда. ИИВ Маънавий-маърифий ишлар ва Кадрлар билан таъминлаш департаменти масъул ходимлари ҳамда вилояти ИИБларнинг Маънавий-маърифий ишлар ва Кадрлар билан таъминлаш хизмати, Маънавий маърифий ишлар бўлими психологияк таъминлаш гурӯҳи томонидан, янги ташкил этилган “Ходимбай” ишлаш тизими асосида ходимларнинг яшаш уйларига борилиб, уларнинг муаммолари ва яшаш шароитлари ўрганилиб, аниқланган муаммолар бўйича тегишличора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мутахассис-психологлар томонидан “Истиқболли ва Раҳбар

кадрлар заҳираси”га киритилган ходимлар билан давра сұхбатлари ташкиллаштирилиб, уларга келгусида құл остидаги шахсий таркиб билан ишлаш ва хизмат жараёнини бошқаришда психологик маслаҳатлар берилмоқда.

Шунингдек, ходимлар билан ўтказилаётган **психологик сұхбат, маслаҳат ва ҳиссий-иродавий сифатларини ривожлантирувчи тренинглар** эса ходимлар учун зарур бўлган руҳий озуқани олишларига омил бўлмоқда.

«Ходимбай» ишлаш тизими асосида ходимлар ҳамда оила аъзоларининг яшаш шароити ва ҳолати ҳам ўрганилди. Ходимларнинг касбий тайёргарлиги ҳамда ҳар қандай вазиятга тайёр туриши учун жисмоний ва жанговар тайёргарлик даражасини янада мустаҳкамлаш мақсадида ўқ отиш машғулотлари ҳам мунтазам равишида ўтказиб келинмоқда.

Келгусида **«ходимбай»** ишлаш тизимиға янгича ахборот технологияларини жорий этиш, бунда ҳисобот ҳужжатлари автоматик тарзда юритилиши хизмат вақтини тежалишига, ҳужжатлар юзаки бўлишининг олди олинишига ҳамда ёлғон маълумотлар киритилмаслиги таъминланади.

Бундан ташқари, **хавф гурухига мансуб, китоб ўқимаган, ортиқча вазнга** эга ходимлар билан маҳсус ўкув курслари ўтказиш, навбатдаги маҳсус унвон олиш учун ўкув йиғинлари иштироки кучайтирилиши, соҳавий хизматлар (ХПБ)нинг маҳсус ўкув курсларини ташкил этиш жадаллаштириш, шунингдек, ИИО ходимларининг зиддиятли вазиятлардаги хатти-харакатлари мавзусида видеодарслер тайёрланиши ҳам келгусида ўзининг ижобий самарасини бериши мумкин.



Мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этиш баробарида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, янгиланишлар самараси ўлароқ, ички ишлар органларида ҳам тизимли ишлар қилинмоқда. Соҳада ўтказилаётган ислоҳотларнинг салмоғини ички ишлар органлари бошқарув тизими тўлиқ мақбуллаштирилгани, шахсий таркиб қуий бўғинда, бевосита аҳоли ўртасида хизмат қилиши таъминланганида ҳам кўриш мумкин.



2023 йилнинг 28 январь куни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринbosари А.Икрамов раислигига **Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш, касбий, жанговар ва жисмоний тайёргарлик йўналишида** 2022 йил якунлари бўйича видеоселектор йиғилишидан фото лавҳа.



2023 йилнинг 28 январь куни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринbosари А.Икрамов раислигига **Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш, касбий, жанговар ва жисмоний тайёргарлик йўналишида** 2022 йил якунлари бўйича видеоселектор йиғилишидан қўшилган руҳда ўтган муҳокамада хизмат фаолиятида ижобий натижаларни қайд этмаган бир қатор раҳбар ходимлар интизомий жазога тортилди.

Шунингдек, йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги «**Ички ишлар органларини халқчил тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги ПҚ-10-сон қарорида белгиланган **6 та устувор вазифалар** бўйича маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш йўналишини янада такомиллаштириш юзасидан **2023 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар белгиланди.**

Шу билан бирга, Вазир ўринбосари генерал-майор А.Икрамов томонидан шахсий таркиб ўртасида **тартиб-интизомни мустаҳкамлаш ва қонунийликни таъминлашда** Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси талабаларига қатъий риоя этиш, ходимларни «**Инсон қадри учун**» тамойили асосида давлатнинг юксак маънавий-ахлоқий фазилатларига эга, ўз бурчига содик, ватанпарвар ва халқпарвар этиб тарбиялаш орқали ахолининг чинакам розилигига эришиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Йиғилиш якунида кун тартибидаги масала юзасидан 2023 йилда амалга оширилиши лозим бўлган бир қатор вазифалар белгилаб олинди.


Мустақил таълим учун топшириқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ-5050-сон қарорининг 3-иловасини тўлиқ ўқиб чииқиш.
2. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2022 йил 15 февралдаги 34-сон буйруғи ва Стратегия амда унга илова қилинган йўл хариталари билан яқиндан танишиб чиқиш ва ўрганиш.
3. 2021 йил 21 октябрдаги “Ички ишлар органлари маънавий-маърифий ишлар хизмати фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 400-сон буйруқни тўлиқ конспектлаштириш.

СЕМИНАР МАШГУЛОТИ МАЗМУНИ (2- соат)

1.3.Мавзу: ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ “ХОДИМБАЙ” ИШЛАШ ТИЗИМИ

Ушбу ўқув машғулоти “**Давра сухбати**” интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.



“Давра сухбати” методи – айлана стол атрофида берилган саволлар юзасидан тингловчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиши методидир.

“Давра сухбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир тингловчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра сухбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжудdir.

Оғзаки давра сұхбатида ўқитувчи мавзуни бошлаб беради ва тингловчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айланга бўйлаб ҳар бир таълим олувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар.

ИЗОХ: Сўзлаётган тингловчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса тингловчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.

Ўқув машгулотнинг саволлари:

1-савол. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ-5050-сон қарори билан “Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепцияси” асосида тизимда кадрлар сиёсатини олиб боришнинг янги тартиби.

2-савол. “Ходимбай” ишлаш тизимида оид “Ички ишлар органларида маънавий-маърифий, таълим-тарбия ҳамда кадрлар билан таъминлаш соҳасидаги ишларни 2022 йилда жадал ривожлантиришга оид вазифалар Стратегияси”нинг йўналишлари ҳақида маълумот.

3-савол. Ички ишлар органларида “Интизом ойлиги”.

4-савол. Якка тартибдаги маънавий-маърифий ишлар журналини юритиш.

5-савол. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2022 йил 07 июнь кунидаги “Ички ишлар органлари шахсий таркиби ўртасида хизмат интизоми ва қонунийликка риоя этилишини мустаҳкамлаш ҳамда “Темир интизом ва ҳалоллик-муваффақият қалити” шиори остида “Интизом ойлиги”ни ўтказиш тўғрисида”ги 135-сонли фармойишни ўқиб ўрганиш ва конспектлаштириш.

ГЛОССАРИЙ:

Концепциянинг концептуал ғояси - "Ватанга ва халққа садоқат билан хизмат қилиш-олий бурчимиз!" ғояси бўлиб унда давлат мустақиллигини ҳимоя қилиш, ҳуқук-тартиботни мустаҳкамлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш устувор вазифа сифатида белгиланди.

Концепция ғоясининг асосий мазмун-моҳияти - фуқароларнинг тинчлиги ва мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш учун ҳар қандай ҳуқуқбузарликка қарши курашишда ўз жонини аямайдиган, ватанпарварлик, фидойилик, садоқат ва ҳалоллик фазилатларига эга ходимларни шакллантиришдан иборат

Маънавий-маърифий ишларни амалга ошириш йўналишлари Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишлар қуйидаги йўналишларда олиб борилади: тарбиявий ишлар, тарғибот-ташвиқот ишлари, психологик фаолият, ижтимоий-ҳуқуқий фаолият ва маданий тадбирлар орқали олиб борилади.

Маънавий-маърифий ишлар концепциясидан кутилаётган натижалар Концепцияда белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида юксак маънавиятли, ватанпарвар, ўз қасбига садоқатли ва фидойи ходимларни шакллантириш назарда тутилган.

Маънавият - (арабча- маънолар мажмуи) – кишиларнинг фалсафий ҳукукий, илмий, бадиий, аҳлокий, диний тасаввурлари ва тушунчалари мажмуи.

Маънавий иммунитети - (лотинча « иммунитетис» - бирор нарсадан озод этиш) – шахс, ижтимоий гурух, миллат, жамиятни турли заарли гоявий таъсирлардан химоялашга хизмат килувчи тизим.

Мафкура - (арабча – фикрлар мажмуи) – муайян ижтимоий гурух, қатлам, миллат, жамият, давлат манфаатлари, орзу-истак ва максад-муддаолари ифодаланган ғоявий – назарий қарашлар ва уларни амалга ошириш тизими.

Мафкуравий хавфсизлик — шахс, миллат, жамият, давлатнинг хилма-хил шаклларда намоён буладиган мафкуравий тажавузлар, турли мафкуравий марказларнинг бузгунчилик таъсиридан химояланганлик даражасини тавсифловчи тушунча.

Миллатлараро тутувлик - Миллий мафкурамизнинг асосий ғояларидан бири; муайян худуд, давлатда турли миллат вакилларининг баҳамжихат яшаши, хамкорликда фаолият юритишини ифодаловчи тушунча.

Янги Ўзбекистон - маърифатли жамият концепцияси - миллий-ғоявий асосларимизни давр талаблариiga мос равишда бойитиш ва ривожлантириш, шу орқали жамиятнинг маънавий юксалишига эришиш деганидир.

таркибий бўлинмалар - Ички ишлар вазирлигининг департамент, бош бошқарма, марказ, мустақил бўлинмалари, таълим муассасалари,

Қоровул қўшинлари ҳамда Халкар аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинлари қўмондонликлари, шунингдек, уларга бевосита бўйсунувчи бўлинмалар;

худудий бўлинмалар - Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари, улар таркибидаги бошқарма ҳамда мустақил бўлинмалар, туман ва шаҳар ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармалари ҳамда бўлинмалари, шунингдек, улар таркибидаги соҳавий хизматлар;

барча даражадаги бошлиқ (командир)лар - таркибий ва худудий бўлинмалар бошлиқлари (командирлари) ва уларнинг ўрхшбосарлари, шунингдек, мазкур бўлинмалар таркибидаги барча бўлим, бўлинма (саф) бошлиқлари (командирлари), уларнинг ўринбосарлари ва гуруҳ раҳбарлари;

жамоа - ички ишлар органларида хизмат килаётган ходимлар жамоаси;

расмий огохлантириш - таркибий ва худудий бўлинмалар бошлигининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари ҳамда мазкур бўлинмалардаги маънавий-маърифий ишларга масъуллар томонидан қўл остидаги ходимни Якка тартибдаги маънавий-маърифий ишлар журналининг З-бўлими (камчиликка йўл қўйганлиги фактини қайд этиш жадвали)да салбий асосларга кўра рўйхатга олинган пайтдан бошлаб бир ой муддат ичida яна бир маротаба камчиликка йўл қўйган ёки хизмат интизомини бузган тақдирда, уни интизомий жавобгарликка тортилиши хақида ёзма тарзда расман огохдантириш;

ватанпарварлик руҳидаги тадбирлар - ходимларда она-Ватанга муҳаббат, қасамёдига ҳамда хизмат бурчига садоқат туйгуларини шакллантириш орқали уларда маънавий дунёқарашни юксалтириш, шунингдек, ҳар қандай вазиятда жамоат хавфсизлиги ва қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан бошлиқ вазифаларни вижданан ҳамда сидқидилдан бажаришга тайёргарлигини ошириш ҳамда мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар;

ахлоқий-психологик тадбирлар - ходимларда юксак одоб-ахлоқ ва руҳий барқарорликни, шунингдек хизмат ва кундалик ҳаётда ҳуқуқбузарликларнинг ҳар қандай кўринишларига, шу жумладан коррупцияга нисбатан муросасизлик кайфиятини шакллантириш, фуқаролар билан мулоқот жараёнида касбий муомала маданиятига риоя қилган ҳолда ҳар қандай вазиятда ўзини ички ишлар органлари ходими деган юксак номга муносабат мухитини яратиш, ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар;

ҳуқуқий тадбирлар - ходимларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни оширишга қаратилган тадбирлар;

хавф гуруҳидаги ходимлар - беш ва ундан ортиқ киншдан иборат оиланинг якка боқувчиси бўлган, икки ва ундан ортиқ вояга етмаган ёки

болалигидан ногирон бўлган фарзандларини ёлғиз ўзи тарбиялаётган, яқин қариндошлари (турмуш ўртоғи, туғишиган фарзандлари, ота-онаси, акаукалари, опа-сингиллари, қайнота ҳамда қайнонаси) орасида оғир касалликка чалингани бўлган, оиласи нотинч ахволдаги ёки оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган **ижобий тавсифланувчи**, шунингдек, **бир ой давомида** уч ва ундан ортиқ камчиликларга йўл қўйган, икки ва ундан ортиқ қўпол носоғлом ёки ахлоққа зид ҳаракатлар содир этган, бошлиқ (командир)лар билан асоссиз равишда уч ва ундан ортиқ зиддиятли вазиятлар келтириб чиқариб, маънавий-руҳий муҳитга **салбий таъсир қўрсатувчи ходимлар**.

Ички ишлар органлари ходимларининг қасбий маданият ва хизмат интизоми кодекси - Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги таълим муассасалари курсантлари ва тингловчиларининг хизмат ҳамда хизматдан ташқари фаолиятида одоб-ахлоқи ва интизомига қўйиладиган талабларни белгилайди, бошлиқлар ва ходимларнинг ўзаро муносабатларини, шунингдек, уларга нисбатан рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллаш масалаларини тартибга солади.

Аҳлоқ – арабча сўз бўлиб, хулқ-атвор, юриш-туриш, тарбия, адаб деган маъноларни англатади. Ушбу тушунча жамиятнинг аҳлоқий ҳаётида юз берадиган барча жараёнларни ўзида мужассам этади.

Одоб (арабча «адаб» сўзидан олинган) – деганда, жамиятда, кишилар билан муомалада ўзини тута билиш; аҳлоқ, тарбия ва унинг нормалари тушунилади.

Хушмуомалалик – деб ички ишлар органлари ходимларининг аҳоли билан уларнинг иззат-хурматини жойига қўйиб, самимий, сиполик ва мулойимлик, камтарлик, хайрхоҳлик, холислик билан қиласиган аҳлоқий хатти-ҳаракатларининг мажмуасига айтилади.

Хулқ-атвор – кишининг муомаласи ва руҳиятидаги, феъли ва хатти-ҳаракатларидаги, одатларидаги, қилиқлардаги хусусиятларнинг мажмуаси ҳи-собланади. У маълум бир жамият, ижтимоий гурух аъзоларининг ижтимоий ҳаёт шароитида шаклланган амалий фаолияти, хатти-ҳаракатлари, одамлар билан муносабатларининг умумий тартиб ва қоидаларидан иборат бўлади.

“Эстетика” сўзи – юонча “эстетикос” сўзидан олинган бўлиб, “сезиш”, “хис этиш қобилияти” деган маъноларни янглатади.

“Ватан” (арабча-ўсган жой, юрт) – бу кишининг туғилиб ўсган ўлкаси, шаҳри ёки қишлоғи, юрт, диёр ёхуд киши туғилиб ўсган ва ўзини унинг фуқароси ҳисоблаган мамлакат, она юртидир.

“Ватанпарварлик” – ватанга муҳаббат ва садоқат, ватан учун хизмат қилиш ва бу йўлда бутун умрини ва салоҳиятини бахшида этиш, керак бўлса, ўз жонини ҳам фидо қилиш демакдир. Ватанпарварлик барча инсонлар, миллатлар, халқлар учун умумий бўлган, асрлар давомида сайқалланиб келган умуминсоний туйғу, маънавий қадриятлардан бири. Тарихий жиҳатдан ватанпарварлик инсонларнинг ўз ватани тақдири билан боғлиқ ижтимоий-иктисодий ривожланиш, халқларнинг ўзлари яшаётган ҳудуд дахлсизлиги ва мустақиллиги йўлидаги қарши жараёнида такомиллашиб келган хис-туйғулар жамланмаси ҳамдир. Бу ватаннинг ўтмиши ва бугуни билан фахрланишда, келажаги учун қайғуриш ва дахлдорликда, унинг манфаатларини ҳимоя қилишда намоён бўлади.

Дахлдорлик туйғуси – авваламбор, шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзлигини англаши, қадимий тарихимиз ва бой маданиятимиз, улуғ аждодларимизнинг меросини чуқурроқ ўзлаштириш бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустақил фикрлаши ва диёrimиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшashi зарурлигидир.

“Маънавият” бу – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиласидиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларнинг мезонидир

Маънавий таҳдид – бу, аввало, дини, эътиқодидан қатъий назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини қўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим.

Маънавий тарбия – тобора қучайиб бораётган бундай ҳатарларга қараш доимо сергак, огоҳ ва хушёр бўлиб яшашимиз зарур. Бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш мумкин.

“Масъулият” (арабча) – жавобгарлик, ҳисоб беришлик деган маъноларни англатиб, бирор иш, ҳатти-харакат оқибати, натижаси учун бўлган жавобгарликдир.

Мафкура” (арабча – “фикрлар мажмуи”) – муайян ижтимоий гурух, қатлам, миллат, жамият, давлат манфаатлари, орзу-истак ва мақсад-

муддаолари ифодаланган ғоявий-назарий қарашлар ва уларни амалга ошириш тизимиdir.

“Иммунитет” (лотинча – “immunitas”) – бирор нарсанинг чидамлилигидир.

“Мафкуравий иммунитет” – маълум бир шахсда ёки ижтимоий гурухда ўзига хос булган, қатъий, барқарор мафкуравий қарашнинг шаклланганлиги, маълум мафкура тамойилларининг ўз ижтимоий-сиёсий фаолияти билан мустаҳкамланганлигидир.

“Мафкуравий полигон” – одамлар ва халқларнинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган турли мафкураларнинг синов майдони.

Фоя – инсон тафаккурида вужудга келадиган, ижтимоий характерга эга бўлган, рухиятга таъсир ўтказиб, жамият ва одамларни ҳаракатга чорлайдиган, мақсад-муддао сари етаклайдиган кучли, теран фикр.

Фоявий бўшлиқ – муайян шароитда жамият, ундаги тоифа ва қатламларнинг онгида содир бўладиганфоясизлик, мафкуравий вакуум ҳолати. Яъни, **фоявий бўшлиқ** – муайян шароитдаги билимсизлик, англаб олинган ғоянинг йўқлиги.

Фоявий тарбия – инсон онги ва тушунчалари тизимида ҳаёт ҳақидаги фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, диний, эстетик, ахлоқий, бадиий, касбий қарашларни мақсадли шакллантириш жараёнидир.

Глобаллашув – бу аввало ҳаёт суръатларининг бекиёс даражада тезлашуви демакдир.

Хизматни ўташ тартиби - хизматга қабул қилиш, маҳсус унвонлар бериш ва улардан маҳрум этиш, лавозимга тайинлаш, лавозимдан озод этиш ва ротация, ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, ходимнинг бошқа давлат органлари ва ташкилотларига сайланганида (тайинланганида, сафарбар этилганида) хизмат ўташи, аттестация ўтказиш, таътиллар бериш, ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, хизмат ўташ режимини таъминлаш, хизмат муддатларини узайтириш, хизматдан бўшатиш ва хизматга тиклаш.

“Ходимбай”- Ички ишлар органларида маънавий-маърифий, тарбиявий-профилактик ишларни ташкил этиш бўйича ишлаш тизими.

“Ходимбай” ишлаш методикаси- Худудлар ва соҳаларнинг хизмат хусусияти ҳамда тартиб интизом бузилиши ва коррупцион ҳолатларнинг эҳтимолий даражасидан келиб чиқсан ҳолда маънавий-маърифий, тарбиявий-профилактик ишларни ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар.

“Интизом ойлиги”- шахсий таркибнинг яшаш хонадонлари, хизмат фаолияти, жисмоний-жанговар ҳолатини ўрганиш, улар билан мунтазам

равища индивидуал тарбиявий сұхбатлар үтказиш, ходимлар томонидан хизмат ва шахсий автотранспорт воситаларини бошқариш қоидаларига риоя қилишларини назорат тартибда текшириш, хизмат ва қонун бузилиш ҳолатларини олдини олишга қаратылған маънавий-маърифий, маданий ҳамда тарбиявий йўналиш.

“Workaut” майдончалари- “Воркоут” (маҳалла ва кўча фитнеси ёки машқ майдончаси)да исталган вақтда, ҳеч қандай сарф-харажатсиз шуғулланиш имконини берувчи майдонча.

Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси- ИИО ходимларининг хизмат ҳамда хизматдан ташқари фаолиятида одоб-ахлоқи ва интизомига қўйиладиган талаблар.

“Интизомий клиника” хавф гуруҳидаги ходимлар билан алоҳида дастурлар асосида соғлом хизмат ва турмуш тарзига қайтариш.

“Маънавият-маърифат ва таълим-тарбия занжири”- маънавий-маърифий ишларни узлуксиз ташкил этишда таълим ҳамда хизмат жараёни.

“Маънавият тарғиботчилари карвони”- ёшлар, Ички ишлар органларидаги тажрибали ходимлар ҳамда фахрийлардан иборат гуруҳ бўлиб, уларнинг асосий вазифаси худудий ички ишлар органларида фуқаролар ва ИИОлари билан маънавий-маърий ишларни кенг тарғиб қилиш ва ёшларда она ватанга ҳамда унда қонун устиворлигини таъминлашда ижобий натижаларга мўлжалланан ҳаракат.

“Ходимбай назорат” тизими- Ички ишлар органларида кадрлар салоҳияти даражасини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ижросини таъминлаш ҳамда натижаларини таҳлил қилиш.

“Э-ХИД” — “Ходимбай ишлаш дафтари” юритиш электрон тизими- ходимларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар ўртасида китобхонликни оммалаштириш ва маънавий дунёқарашини юксалтириш; ходимлар билан ишлашни ташкил этиш ҳақидаги маълумотлар базаси.

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. ИИВнинг 2022 йил 15 февралдаги 34-сон буйруғидаги Стратегияда кимлар Стратегия ҳамда “Йўл харитаси”да белгиланган вазифалар ижросини самарали амалга ошириш учун шахсан масъул ва жавобгар ҳисобланади?
2. ИИВнинг 2022 йил 15 февралдаги 34-сон буйруғидаги Стратегияда кимлар Стратегиясида ИИОда қандай ғоя бош мезон сифатида белгиланди?
3. ИИОларида қачондан “Ходимбай ишлаш тизими жорий этилди?
4. ИИОларида “Интизом ойлиги” қандай ойлик ҳисобланади?
5. Ҳавф гурухидаги ходимлар билан алоҳида дастурлар асосида соғлом хизмат ва турмуш тарзига қайтаришда қандай номли клиника йўлга қўйилди?
6. ИИОларида “Маънавият-маърифат ва таълим-тарбия занжири” - да қандай ишлар амалга оширилади?
7. ИИОларида “Маънавият тарғиботчилари карвони қандай ишлар ҳаракат?
8. “Э-ХИД” — “Ходимбай ишлаш дафтари”ни қандай мақсадларда юритилади?
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январь кунидаги “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сон қарорига асосан нечта илова тасдиқланган?
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январь кунидаги “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сон қарорининг 3-иловасига мувофиқ айнан нима тасдиқланган?
11. Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш Концепцияси қайси норматив-хуқуқий хужжатга асосан ташкил этилган?
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январь кунидаги “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сон қарорининг 1-иловасига мувофиқ айнан нима тасдиқланган?
13. Ички ишлар органлари ходимларини қайси тамойил асосида давлатнинг юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, ўз бурчига содик,

ватанпарвар ва халқпарвар вакили этиб тарбиялаш орқали аҳолининг чинакам розилигига эришиш мумкинлиги белгиланган?

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январь кунидаги “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сон қарорининг 2-иловасига мувофиқ айнан нима тасдиқланган?

15. Ички ишлар органларида хизматга биринчи марта қабул қилинган ходимларга нисбатан тайинланадиган дастлабки синов муддатини кўрсатинг?

16. Ҳудудий ички ишлар органлари эҳтиёжини инобатта олиб, Ички ишлар вазирлигининг академик лицейлари битирувчилари учун Ички ишлар вазирлиги Академиясида бакалавриатнинг “Хукуқбузарликлар профилактикаси фаолияти” ва “Тезкор-қидирув фаолияти” таълим йўналишларига, тўлов-контракт асосида ўқитишни назарда тутган ҳолда, нечта нафаргача қўшимча ҳар йиллик қабул квотаси ажратиш белгиланди.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январь кунидаги “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сон қарорининг 4-иловасига мувофиқ айнан нима тасдиқланган?

18. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодексининг тузилиши?

АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР:

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – 2021 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги 407-сон Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 августдаги “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш хақида”ги ЎРҚ-633-сон Қонуни.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатдан янги тизимини жорий этиш бўйича чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5076-сонли Қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 марта даги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2-апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлашва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сон Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги “Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3216-сон қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрель “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5076-сонли қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва

аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сонли қарори.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий-меъёрий хужжатлари

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2021 йил 27 августдаги“Ички ишлар органларида узлуксиз ўкув-карьера жараёни тизимини ташкил этиш тўғрисида”ги 310-сон буйруғи.

2. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2022 йил 15 февралдаги 34-сон буйруғи ва Стратегия амда унга илова қилинган йўл хариталари билан яқиндан танишиб чиқиш ва ўрганиш.

3. 2021 йил 21 октябрдаги “Ички ишлар органлари маънавий-маърифий ишлар хизмати фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 400-сон буйруқни ўрганиш.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. “Янги Ўзбекистон стратегияси” Тошкент “Ўзбекистон” НМИУ 2021. –465 б.

2. Ш.Мирзиёев «Буюк келажигимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз». – Т., 2017 й.

3. Ш.М. Мирзиёев “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислоҳотлар йўлини қатъий давом эттирамиз”. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи. // Халқ сўзи. – 2021. – 6 ноябрь.

4. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 28 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси./ Халқ сўзи., 2021., № 243 (6678.)

5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т., «Ўзбекистон», 2017. – 104 б.

V. Дарсликлар, Ўқув қўлланмалар

1. Юксак маънавият ва қонун устуворлиги асосида яшаш, эл-юртга садоқат, адолат, ҳалоллик фазилатларини ва муомала маданиятини камол топтириш: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014.

2. Норматов К.Н., Янги Ўзбекистон меъмори. Сиёсий. Т., 2011.136 б.

3. Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти: Дарслик / И. Исмаилов, М.З. Зиёдуллаев, Ф.Н.Шукров ва бошқ.; генерал-лейтенант Б.А.Матлюбовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – 414 б.

Интернет сайтлари:

1. <http://www.lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).
2. <http://www.lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).
3. <http://press-service.uz/uz> (Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти).
4. <http://natlib.uz> (Алишер Навоий Номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси).
5. <http://akadmvd.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси).
6. <http://ziyonet.uz> (ZiyoNET таълим портали).
7. <http://utube.uz/ru> (Utube.uz таълим видеопортали).
8. <http://book.uz/> (Электрон адабиётлар кутубхонаси).
9. <http://www.xs.uz> («Халқ сўзи» газетаси).
10. <http://www.legislationline.org/ru> (Бюро по демократическим институтам и правам человека ОБСЕ).

З.Р. УМАРОВ, И.Б. АХМЕДОВ, Б.Ш. ЮСУПОВ, З.М. АЛИЕВА

**“ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИГА НАВБАТДАГИ
“ПОДПОЛКОВНИК” МАХСУС УНВОНИНИ БЕРИШ УЧУН
МАХСУС МАЛАКА ОШИРИШ ЎҚУВ КУРСЛАРИНИНГ
“МАЊНАВИЙ-МАЃРИФИЙ” ТАЙЁРГАРЛИК
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Муҳаррир Н.З. Тасимов

Босишга рухсат этилди _____._____.2023 й. Нашриёт ҳисоб табоғи _____.
Буюртма №____ Адади ____ нусха.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти,
100213. Тошкент шаҳри, Xусайн Байқаро кўчаси, 27а-уй.